

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ

АЛЛАМУРАТОВ ЖАМШИД

Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепцияси

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

Илмий раҳбар: доц.Абдулла Шер.

Тошкент – 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ		
1-БОБ.	АЗИЗИДДИН НАСАФИЙНИНГ ТАСАВВУФИЙ АХЛОҚШУНОСЛИГИ	
1.1.	Азизиддин Насафийнинг тасаввуфий қарашлари	
1.2.	Азизиддин Насафий фалсафасида ахлоқий тушунчалар талқини	
2-БОБ.	АЗИЗИДДИН НАСАФИЙ АХЛОҚ ФАЛСАФАСИДА КОМИЛ ИНСОН КОНЦЕПЦИЯСИ	
2.1.	Азизиддин Насафий тасаввуфий қарашларида “комил инсон” тушунчасининг ахлоқий жиҳатлари	
2.2.	Азизиддин Насафий комил инсон концепциясининг замонавий аҳамияти	
ХУЛОСА		
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати		

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Сўнгги йилларда глобал миқёс касб этиб, инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олаётган турли маънавиятга зид хавф-хатарлар вужудга келди, уларнинг олдини олишнинг самарали йўллари аниқлаш муҳим вазифага айланди. Гарчанд, инсон онги ва қалби учун кураш тарихан турли шаклларда инсоният ҳаётидан ўрин эгаллаб келган бўлса-да, XXI асрда бу жараён турли оқимлар ва кучлар томонидан ғаразли мақсадлар йўлида амалга оширилаётган, инсон, жамият маънавиятига мафкуравий хуружлар орқали кечмоқда. Инсоният маънавияти халқаро экстремизм ва терроризм доирасидаги ёвуз кучларнинг хуружларидан азият чекмоқда. “Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётӣ-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амри маҳол”¹.

Бугунги кунда комил инсон ҳақида тасаввур ва қарашларимизнинг илмий асосларини мустаҳкамлаш, бу борадаги муайян хулосалар чиқариш, маънавиятни янада юксалтириш учун юртбошимиз асарлари, мутасаввуф олимларнинг қарашлари, хусусан, биз тадқиқ қилаётган Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепцияси фундаментал аҳамият касб этади.

Маълумки, тасаввуф таълимотида комил инсон идеали, унинг асосий хусусиятлари, бу идеалга эришиш жараёнидаги руҳий эволюция босқичлари, унинг инсон ҳаёти маъносини англашдаги ўрни каби бир қатор ахлоқий фалсафий масалалар чуқур назарий таҳлил этилган. Тасаввуф таълимотида бундай масалаларга нисбатан ёндошувлар хилма-хиллигини кузатиш мумкин.

Кўринадик, комил инсон тушунчаси ўз моҳиятига кўра кўп маъноли хусусият касб этади. Ҳар бир таълимот комил инсон тушунчасига ўз даври ижтимоӣ-тарихий шарт-шароитларидан келиб чиқиб ёндошган ҳолда унинг маълум аспектини очиб берганлигини кузатиш мумкин. Комил инсон концепциясининг турли талқинлари орасида Азизиддин Насафийнинг қарашлари алоҳида диққатга сазовор ва бу масалаларнинг илмий тадқиқ этишнинг долзарблигини кўйидаги жиҳатлар билан изоҳлаш мумкин:

Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепцияси миллий ғоямиздаги комил инсон концепциясини асослашда пойдевор вазифасини ўтайди. Айниқса бугунги юксак маънавиятли баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги давлатимиз сиёсати, айнан, Азизиддин Насафий ҳамда бошқа кўплаб мутасаввуф бобларимизнинг комил инсон борасидаги қарашларини ўзида ифода этмоқда. Чунки юксак маънавиятлилик ва комилликнинг шартӣ сифатида кўрсатилувчи кўплаб масалалар бундай қарашларда яққол намоён бўлади. Жумладан:

¹ Каримов Ислон. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – 113 б.

1. Руҳан покланиш тушунчаси комилликнинг бирламчи ва асосий негиз шартларидан саналади.

2. Қалб улуғлиги эса комил инсонгагина тегишли бўлади.

3. Виждон поклиги тушунчаси Азизиддин Насафий қарашларида дил, тил ва амал бирлиги кўринишида ифодаланган. Биргина шу масаланинг ўзи улкан аҳамиятга эга. Негаки, айтилган жихатга эътиборсизлик Европада ижтимоий бегоналаниш, маргиналлик, экзистенциал вакуум каби ҳолат ва тушунчаларни ўзида акс эттирган нигилизм фалсафасини келтириб чиқарди. Бундай салбий оқибатларнинг олдини олиш каби амалий масалаларни ҳал этишда ҳам Азизиддин Насафий комил инсон концепциясининг аҳамияти муҳим.

4. Глобал маънавий таҳдидлар замонида ислом динини ниқоб қилиб олган турли экстеримистик ғояларнинг ғаразли мақсадларини англашда ҳам ушбу концепцияга зарурат туғилади. Зеро, Азизиддин Насафий ўзининг “Зубдат ул ҳақойиқ” асарида дунё борлиги, инсон борлиги, унинг маънавий камолоти ҳақидаги фикрларни ислом фалсафасининг 3 катта назарий асоси бўлмиш шариат аҳли қарашлари, ҳикмат аҳли (файласуфлар) қарашлари ва мутасаввуфлар қарашларининг қиёсий таҳлили орқали очиқ берган. Шу маънода Азизиддин Насафий ижоди билан танишиш дин, фалсафа ва тасаввуф илмлари моҳиятини англашда ҳам беминнат кўмакчи вазивасини ўтайди.

5. Юқорида кўрсатилган сабабга кўра Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепцияси ислом шариати ва тасаввуф илми ўртасидаги баҳсли масалаларни ойдинлаштиришда ҳам бирмунча назарий аҳамиятга эга.

6. Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепцияси методологик жихатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга, яъни унда қиёслаш, анализ ва синтез методлари имкониятларидан кенг фойдаланилган.

7. Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепцияси комплекс-тизимли характерга эга. Жумладан, ўз концепцияси таркибидаги ахлоқий-фалсафий масалаларни ёритишда Насафий шариат аҳли, ҳикмат аҳли ва ваҳдат аҳли қарашларининг қиёсий таҳлиliga таянади.

8. У ўзи ёритган ҳар бир ахлоқий масаланинг онтологик генезисига ҳам чуқур эътибор қаратганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Азизиддин Насафий ва унинг тасаввуфий қарашларини илмий-фалсафий тадқиқ қилиш борасида амалга оширилган ишлардан бири – бу унинг “Зубдат ул ҳақойиқ” номли асарининг чоп этилишидир. Лекин унинг “Инсони комил”, “Мабда ва маод” асарлари ўзбек тилида чоп этилмаган бўлиб, улар хусусида баъзи илмий мақолалар ёзилган ҳолос. Бундан ташқари, Нажмиддин Комилов, Абдулла Шер, Иброҳим Ҳаққул ва бошқа катор адабиётшунос, ахлоқшунос, тасаввуфшунос, тарихчи олимларнинг айрим тадқиқотларини ҳам кўрсатиш мумкин. Уларда Азизиддин Насафий ижодининг умумий тавсифини кўриш мумкин. Масалан, Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф” номли монографиясида комил инсон тушунчаси мазмун моҳиятини очиқ беришда баъзи мутасаввуф олимлар қарашлари билан қиёсий тарзда келтирилади.

Бироқ Насафийнинг нафақат комил инсон концепцияси, ҳатто унинг тасаввуфий қарашларига алоҳида тўхталиб ўтилмаган. А.Шеровнинг Ахлоқшунослик номли ўқув қўлланмасида Насафий қарашлари Шарқ ахлоқий тафаккури тараққиёти намуналаридан сири сифатида баҳоланади. Фалсафафанлари доктори М.Нурматова эса Насафий ижодини маънавий эстетик нуқтаи-назаридан талқин этади. Насафийнинг комил инсон концепцияси фалсафа фанлари номзоди Ш.Б.Қаҳҳорованинг “Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси” номли монграфиясида нисбатан батафсилроқ ёритилган. Ушбу монографияда Насафийнинг комил инсон концепцияси асосан онтологик ва гносиологик нуқтайи назардан талқин қилинган. Ҳамда унинг глобал маънавий инқирозлар эғамонидаги зарурати, уларни бартараф этишдаги ҳал қилувчи роли Ғарб мистик ва рационал фалсафаси билан қиёсланган ҳолда ёритиб берилган. Бироқ Насафий комил инсон концепцияси ҳали ҳануз алоҳида тадқиқ этилмаган мавзулардан саналади. Ушбу малакавий битирув иши Насафийнинг комил инсон концепцияси моҳияти ҳамда унинг ёшлар тарбиясидаги ўрнини очиб беришга қаратилади.

Ишнинг илмий-тадқиқот ишлар билан боғлиқлиги. Мазкур малакавий битирув иши Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети Этика ва эстетика кафедрасида “Ахлоқшунослик тарихи ва назарияси” мавзуида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари режасига киради.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади - Азизиддин Насафий фалсафасида комил инсон концепциясини ахлоқ контекстида тизимли таҳлил қилишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги асосий вазифалар белгиланди:

- Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепциясини бошқа таълимотлар билан қиёсий таҳлил этиш;
- Насафий таълимотида комил инсон ҳақидаги қарашларнинг ахлоқий моҳиятини очиб бериш;
- Азизиддин Насафийнинг комил инсон ҳақидаги концепциясининг ахлоқий жиҳатларини таҳлил қилиш;
- Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепциясининг баркамол шахсни тарбиялашдаги аҳамиятини илмий жиҳатдан асослаш.

Тадқиқот объекти. Тадқиқотнинг объектини Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепцияси ташкил этади.

Тадқиқот предмети. Тадқиқотнинг предмети комил инсон концепциясида баркамол шахс тарбиясига дахлдор ахлоқий жиҳатлар таҳлили ташкил этади.

Тадқиқот методлари. Малакавий битирув ишида илмий билишнинг объективлик, тизимлилик, анализ ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик каби методларига таянилади.

Илмий янгилиги:

- Азизиддин Насафий комил инсон концепциясининг устувор ахлоқий йўналишлари таҳлил қилинди;

- Азизиддин Насафийнинг комил инсон ҳақидаги қарашларнинг онтологик моҳияти изоҳланди;

- Ушбу малакавий битирув иши Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепциясини яхлит тарзда қамраб олади ва шу маънода ушбу концепциядан бирор бир ахлоқий, илмий-фалсафий мазуни асослашда фойдаланилган бошқа тадқиқотлардан фарқ қилади.

- Мазкур малакавий битирув ишида Насафий комил инсон концепциясининг ёшлар тарбиясидаги ўрнига алоҳида урғу берилиши, унинг яна бир ўзига хос жиҳатини ифодалайди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишининг назарий аҳамияти унда илгари сурилган ғоялар, фикрлар ва чиқарилган илмий-назарий хулосалар таълим муассасаларида “Одобнома”, “Этика”, “Тасаввуф ахлоқшунослиги”, “Шарқ ахлоқий тафаккур тараққиёти” каби инсоншунослик фанларининг мазкур муаммога оид бўлимларини қисман тўлдиради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти инсон маънавий камолотида ахлоқий қадриятлар устуворлигини таъминлаш билан боғлиқ эришилган илмий натижалар ёшларни тарбиявий жиҳатдан тарбиялаш ишларига яқиндан кўмак берувчи жамоат бирлашмаларининг фаолиятларида самарали фойдаланиш мумкин.

Малакавий битирув ишининг тузилиши. Малакавий битирув иши “Кириш”, иккита боб, тўртта параграф, “Хулоса” ҳамда “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”дан иборат. Матннинг умумий ҳажми ... бетни ташкил этади.

1-БОБ. АЗИЗИДДИН НАСАФИЙНИНГ ТАСАВВУФИЙ АХЛОҚШУНОСЛИГИ

1.1. Азизиддин Насафийнинг тасаввуфий қарашлари

XIII аср шарқ халқлари маънавияти ва тафаккури тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу даврга келиб, Калом илми, фалсафа ва тасаввуф ривожланди. Натижада ҳар учала соҳани бирлаштирган ажойиб олимлар ва мутафаккир адиблар етишиб чиқди. Жумладан, Нажмиддин Кубро, Фаридиддин Аттор, Муҳйиддин Ибн ал Арабий, Жалолиддин Румий сингари алломалар яшаб ижод этдилар. Улар ижодида Мансур Халлож, Боязид Бистомий, Абусаид ибн Абулхайр, Ибн Сино, Абу Ҳомид Ғаззолий қарашлари янги поғонада ривожлантирилди. Ана шундай мутафаккирлардан бири атоқли ватандошимиз Азизиддин ибн Муҳаммад ан-Насафийдир.

Насаф - ҳозирги Қарши шаҳрининг қадимги арабий номи, араблардан олдин бу шаҳарнинг номи Нахшаб бўлган. Шайх Азизиддин Насафийнинг туғилган ва вафот этган йиллари аниқ эмас. Аммо асарларидаги қайдлар ва бошқа манбаларнинг гувоҳлик беришича, у XIII аср бошларида туғилган. Насафда дастлабки саводини чиқаргандан кейин, ўша замоннинг илм-фан марказларидан ҳисобланган Бухоройи Шарифда таҳсил олган. У ерда тасаввуф, фалсафа, Калом илмидан ташқари, тиб илмини ҳам мукаммал ўрганади. Унинг пири Саъдиддин Ҳамавий (1191—1252) бўлган. Саъдиддин Ҳамавий Нажмиддин Кубронинг пешқадам халифаларидан эди.

Шайх Азизиддин Насафий 1273 йили Бухорони тарк этган, Эронга бориб, Баҳробод, Исфаҳон, Шероз, Абркўҳ шаҳарларида яшаган ва XIV аср бошларида Абркўҳда вафот этган.

Азизиддин Насафийнинг: «Кашфул ҳақойиқ» (Ҳақиқатларнинг очилиши), «Зубдатул ҳақойиқ» (Ҳақиқатлар қаймоғи), «Мақсади ақсо» (Охирги мақсад), «Инсони комил», «Манозил ас-соирин» (Сайр этувчилар манзиллари), «Усул ва фуруъ» (Асос ва шохлар), «Баён ат-танзил» (Нузул баёни), «Мабдаъ ва маод» (Чиқиш ва қайтиш) асарлари мавжуд.

Азизиддин Насафийни комил инсон тадқиқотчиси дейиш мумкин, чунки унинг барча рисолаларида инсон хилқати, унинг ицеъдоди ва нуқсонлари, инсонни камол топтириш масалалари ўрганилади. Унинг фикрича, инсон коинотнинг кичрайтирилгани, инсонда барча илоҳий ва моддий оламларнинг хислати жамулжам. Инсон шуни англаши ва ўз руҳи илоҳий жавҳарини поклаши лозим. Азизиддин Насафий дунёнинг яралиши масаласини таҳлил қилишдан аввал уни иккига олами кубро катта олам, олами суғро кичик оламга ажратади ва умуман олам тушунчасини қуйидагича тушунтиради:

Эй дарвеш, Аллоҳ сенинг дунё ва охиратингни обод қилсин. Билгилки, олам зот ва сифатларнинг исмларидан иборатдир. Зот (жавҳар) ва сифатларни жамлаб олам дейдилар ва зот билаи сифатларнинг ҳар бирининг кўриниши қисмлари ҳам олам деб номланади. Олам ўзининг аввалида икки қисмдан иборат: биринчи қисмини олами ғайб (яширин олам), иккинчи қисмини олами шуҳуд (кўринадиган) деб айтадилар. Бу ҳар икки оламини миқдорий ва куллии (умумий, яхлит) маъноларда турли номлар билан тилга оладилар. Масалан: холиқият олами ва амр олами, мулк олами ва малакут олами, жисм олами ва руҳ (жон) олами, ҳислар олами ва шуур олами, нур олами ва соя (зулмат) олами ва шу кабилар. Бу номлар ҳар икки олам — одами ғайб ва олами шуҳудга ишорадир У ўз фикрларини давом эттириб, Олам маъносини шундай келтиради, кичик инсон (инсони суғро) ва кичик олам (олами суғро) дейди, бутун оламнинг ўзини эса улуғ инсон (инсони кубро) ва улуғ олам (олами кубро) дейди.¹

Инсон кичик олам, бутун оламнинг ўзи эса улуғ оламдир, Инсон ҳар икки оламнинг нусхаси ва тимсоли - белгисидир. Улуғ оламда бор нарсалар кичик оламда мавжуддир. Улуғ оламнинг аввалу охири, зоҳиру ботини, моҳият ва шакллари идрок этиш учун инсон ўзлигини яъни моҳиятини, зоҳир ва ботинини англаб етмоғи зарур. Бундан бошқа йўл йўқ. Нарса-ҳодисаларнинг қанақалигини билмоқчи бўлган инсон, ўзининг

¹ Азизиддин Насафий. Зубдат ул- ҳақойиқ. –Тошкент: Камалак, 1996. - 5 б.

канақалигингни билиши керак. Улуғ оламнинг боши битта жавҳардан иборатдир, худди шу каби кичик оламнинг бошида ҳам битта жавҳар ётади. Улуғ оламнинг жавҳари улуғ олам уруғи бўлганидай кичик оламнинг жавҳари кичик оламнинг уруғидир. Қатъий уқиб олиш лозимки, бу икки оламда нимаики пайдо бўлса, у ўша уруғларда мавжуд бўлади. Бу айтилганлар инсонга равшан бўлган бўлса, кичик оламнинг асосидаги жавҳар нутфа (уруғ)дир ва кичик олам билан улуғ оламнинг ҳар иккиси уруғдан пайдо бўлган. Қичик оламда амалга ошириладиган ишларнинг жами уруғда аллақачон мавжуд эди ва шуниси ҳам аниқки, кичик оламда уруғда мавжуд бўлмаган (яъни амалга оширилган) нарса бўлмайди. Кичик олам жавҳарини улуғ олам жавҳари ҳақида ҳар хил фикрлар бор. Аммо, агар мунозара мавзуини баён этиб, эҳтиросларга тутқун бўлмай, бу денгизга кириб борилса, зиддиятларнинг йўқолиши муқаррар.

Олам ҳақидаги бу қарашларни аллома шариат ахлининг фикрлари ва файласуфларнинг қарашлари билан янада бойитди. Шариат ахлининг дунё яралиши борасидаги қарашларини Азизиддин Насафий ўзининг “Зубдат ул-ҳақойиқ” асарида қуйидагича ифодалайди. Асарга кўра шариат аҳли иккита вужуд тўғрисида мулоҳаза юритадилар. Биринчиси — вужуди қадим (яъни азалий вужуд), иккинчиси — вужуди ҳодис (яъни дунё), Вужуди қадимнинг бошланиши йўқ, аммо вужуди ҳодиснинг бошланиши — аввали бор. Бу зоҳир ахлининг фикридир. Ва бунда зиддият ҳам йўқ, зеро борлиқ (вужудият) икки вазиятдагина бўлиши мумкин: ё у азалийдир, ёки азалий эмасдир. Агар у азалий вужуд бўлса, абадий вужуд ҳам бўлади. Агар унинг бошланиши бўлса, демак, у ўткинчи — фоний вужуддир. Шарият аҳли Азалий ва абадий вужудни Худо дейдилар; ўткинчи, фоний вужудни олам дейдилар, Худо олам эмас ва олам Худо эмас. Худо — оламнинг Халлоқи (яратувчиси) ва олам — Худонинг ижоди. Халлоқи олам муносиб таърифли сифатларга эгадир ва у номуносиб сифатлардан холидир. Шариат ахлининг фикрича, Холиқ оламини яратишда ҳам, хоҳласа, уни барбод этишда ҳам ирода-ихтиёри ўзидадир. Шариат аҳли дейдиларки, Тангри субҳонаҳу таоло илк дафъа бир жавҳар

яратди. Унинг номи Нафси аввал (Рухи аввал) дир. Тангри субҳонаҳу таоло мулк ва малакут оламларини яратишни ирода этиб, жавҳарга нигоҳ ташлади, жавҳар қайнаб эрий бошлади ва кўпирди. Неки ўша жавҳарнинг моҳияти (мағзи) ва қаймоғи эди, эритилган шакар қиёми каби ажралиб чиқди ва куйқаси пацга чўкди. Халлоқи олам ўша жавҳарнинг қиёмидан руҳлар оламининг даражаларини яратди, куйқасидан эса жисмлар оламини вужудга келтирди¹.

Рухлар олами ўн уч даражада яратилди, аввалги гавҳар билан ўн тўртта бўлди. Рухлар оламининг ўн учта эканиниинг далили жисмлар оламининг руҳлар оламига нисбати, яъни у ҳам ўн учтадир. Зоҳир олами ботин оламининг унвонидир ва мулк олами малакут оламининг белгисидир. Мулк малакутга ўхшайди ва малакутнинг асоси жабарут, яъни мулк орқали малакут ва малакут орқали жабарутни исботлаш мумкин Рух — жавҳардир, у жисмни ҳаракатга келтиради ва такомиллаштиради. У табиатга мувофиқ ўсимлик даражасида, ҳаракат (ирода)га мувофиқ ҳайвон даражасида, ақлга мувофиқ инсон даражасида зухур этади. Соддароқ айтганда, рух латиф жавҳар, у майдаланмайди ва аъзоларга бўлинмайди. Чуски рух амр оламидандир ва ҳатто ўзи амрдир. Жисм қаттиқ ва дағал жавҳар, у майдаланади ва қисмлар (аъеолар)га бўлинади. Жисм махлуқот оламидандир.

Рухнинг маъносини билгандан кейин рух даражаларини ҳам билиб олиш лозим. Тангри субҳонаҳу таоло руҳлар оламини яратишни ихтиёр этиб, ўз нигоҳини (жавҳарнинг) шаффоф қиёмига қаратди ва ул қиём қайнаб эрий бошлади. Шу қиёмнинг қиёми (мағзи) ва қаймоғидан пайғамбарлар Хотами (хулосаси) руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидаи улулазм пайғамбарлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан мурсал пайғамбарлар руҳини яратди, унинг қолдсғи мағзи ва қаймоғидан қолган пайғамбарлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан авлиёлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан аҳли илму маърифат

¹ Азизиддин Насафий. Зубдат ул- ҳақойиқ. –Тошкент: Камалак, 1996. – 9 б.

руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан зоҳидлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан тақво аҳли руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидаси аҳли имон руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан одамлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан ҳайвонлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан ўсимлик руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан маъданлар ва ашёларни яратди.

Ҳар бир руҳ билан бирга кўп сонли фаришталарни яратди ва малакут олами, шу тариқа якун топди. Тангри субҳонаҳу таоло жисмлар оламини ҳам яратишни ицаб, ўз нигоҳини қуйқа қолдиққа қаратди ва ул қуйқа қолдиқ қизиб қайнай бошлади, унинг мағзи ва қаймоғидан Аршни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан Курси (Тахт)ни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан еттиинчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан олтинчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан бешинчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан тўртинчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан учинчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан иккинчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан биринчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан оловни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан ҳавони яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан сувни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан тупроқни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан бошқа жисмларни яратди Мулк оламининг жисмлари (шу тариқа) якун топди. Мулк ва малакутдаги яралмиш йигирма саккиздир: Ундан тўрттаси мулк, ўн тўрттаси малакут оламида. Мураккаб жисмлар учтадир, яъни: маъдан жисми, ўсимлик жисми ва ҳайвон жисми...¹.

Содда жисмларнинг мулк ва малакут оламида йигирма саккизта эканига ҳеч бир шубҳа йўқ. Аммо руҳлар олами аввалми ёки жисмлар олами, аввал мабдаъ (чиқиш жойи), кейин маод (қайтиш жойи) ёки аввал маод, сўнгра мабдаъми. аввал олий даража пайдо бўлиб, тартиб билан қуйи

¹ Азизиддин Насафий. Зубдат ул- ҳақойиқ. –Тошкент: Камалак, 1996. – 5 б.

даражаларга қараб борилдими ёйинки аввал қуйи даража пайдо бўлиб, кейин бирин-кетин юқори даражалар келиб чиқдими, деган масалалар уцида карама-қарши фикрлар бор. Насафийнинг ушбу фикридан кўринадики, фалсафа ва ахлоқнинг азалий муаммоларидан саналган маънавият ва моддиятнинг ўзаро мутаносиблиги ўша даврларданок баҳцалаб мавзу бўлиб келмоқда. Фалсафий ва ахлоқий тафакур тараққиёти тарихида гоҳ маънавият, гоҳ моддиятга урғу берилиб мутлоқлаштирилган. Ҳатто, тасаввуф таломотида ҳам маънавият руҳийлик билан айнанлаштирилиб ўзида поклик, ҳалоллик, роцғўйлик, маърифатлилик ўзида мужассам этган бўлса, моддият ёвузлик, фонийликнинг рамзи ўларок худбинлик, манфаатпарацлик, шуҳратпарацлик, ҳасадгўйлик, хуллас, калом нафси амморанинг белгилари саналган жами салбий иллатларни ўзида акс эттиради. Бироқ Азизиддин Насафий тасаввуфий қарашларининг ўзига хос жиҳати шундаки, унда маънавият моддиятнинг моҳияти, моддият эса маънавиятнинг воқелик кўринишидаги шакли сифатида намоён бўлади. Шу маънода Азизиддин Насафийнинг тасаввуфий қарашларига бугунги кунда ҳам зарурий аҳамият касб этади.

Азизиддин Насафийга кўра Рух даражалари ва жисм даражаларининг ҳар бири ўз-ўзидан мақом топти. Яъни, Арш—паағамбари Хотам руҳининг мақоми, Курси — улулазм пайғамбарлар руҳининг мақоми, манзили ва хужраси, еттинчи осмон — мурсал пайғамбарлар руҳининг мақоми, манзили ва хужраси, олтинчи осмон — анбиё руҳи мақоми, бешинчи осмон авлиё руҳи мақоми, тўртинчи замон — ҳакимлар руҳи мақоми, учинчи осмон — зоҳидлар руҳи мақоми, иккинчи осмон — тақво аҳли руҳи мақоми, биринчи осмон имонлилар руҳи мақоми, шу тариқа, осмоннинг тўққиз даражаси тугал якун топди. Аммо яна тўрт даража қолди, яъни қолган одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар ва жирм (жисм)лариинг руҳлари. Улар юқори оламдан ҳам, қуйи оламдан ҳам эмас. Аммо жирм (модда) қуйиларнинг қуйисидир. Демак, пастга — тубанликка тушиб борилади ва (шу орқали) ўзини таниш ва билиш керак, ўз Раббини таниш ва бундан юқорига қараб тараққий этиш, ўзининг

дацлабки (асл) мақомига йетиш демак. Ўз мақомини эгаллаш билан уруж-кўтарилиш тугалланади ва унинг доираси беркилади. Доира беркилгач, кўтарилишнинг иложи йўқ, ундан нари кўтарилиш — тараққиёт бўлмайди. Йўлда тўхтаб қолиш мумкин, аммо ўз мақомидан ўзиб кетиш мумкин эмас. Агар йўлда тўхтаб қолиш (уланиб қолиш) мумкин бўлмаганда, Каломуллоҳнинг нузул этилиши, пайғамбарларнинг юборилиши фойдасиз бўлиб қоларди.

Рухлар ва жисмлар оламини яратгандан кейин Парвардигор уч фарзанд маъдан, ўсимлик, ҳайвонни яратди, сўнг ниҳоясида Одамни яратди. Одам ва Ҳавво қиссаси машҳурдир, биз ушбу малакавий битирув ишида бу қиссани келтирмадик. Кейин Одам атонинг болалари пайдо бўлди ва кўпайиб бормоқда, улар аца-секин камол топмоқда ва ҳар бири илк мақоми -томон интилмоқда, уларнинг ўз доираси якунлангунча ривожланишда давом этади. Бу шуни кўрсатадики, ҳар бир кишининг камолоти илк мақоми сари ҳаракат қилиш, бу йўлда жидду жаҳд кўрсатишдир¹. Ушбу мақомни эгаллаш ва йўлда қолиб кетмасдан илгари боришдир. Шариат ахлининг борлиқ ҳақидаги қарашлари асарда худди шу тахлидда баён этилган бўлиб, бу қарашларнинг асосий ғояларида неоплатанизм унсурларини кўришимиз мумкин.

“Зубдат ул- ҳақойиқ” асарида келтирилган онтологик фикрлар ўзининг ахлоқий асосларига эга. Чунки руҳлар даражасининг онтологик ирарҳиясини белгилашда ахлоқий доминанталаш амалга оширилади. Ҳар бир юқори даража ўзидан қуйидаги даражадан ахлоқий мукаммаллиги билан ажралиб туради. Ҳар қандай солиқ ўз даражасини юкселтиришга интилар экан ахлоқий эволютсияга катта эътабор қаратиши лозим. Нафснинг бирор босқичини енгиш маълум руҳий даражага эришишни англатади. Нафс босқичларини енгиш учун эса инсон руҳи маълум ахлоқий иллатлардан покланиши талаб қилинади. Масалан, инсон ўз руҳини биринчи осмон имонлилар даражасига кўришни ицаса ҳеч бўлмаганда нафси аммора

¹ Азизиддин Насафий. Зубдат ул- ҳақойиқ. –Тошкент: Камалак, 1996. – 46 б.

босқичидан ўтган бўлмоғи аниқроғи нафснинг энг тубан иллатларидан ҳоли бўлмоғи керак. Шахватпарацлик, очкўзлик кабилар шулар жумласидандир.

Биз тасаввуф таълимоти ёхуд Насафий ижодини ўрганаётганимизда баъзи жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтишимиз керак. Маълумки Азизиддин Насафий тасаввуфнинг фалсафа билан боғлиқ бўлган бир даврда ижод этган. Бу даврда яшаган кўпгина сўфий мутафаккирлар жумладан; Ибн Арабий, Абу Ҳомид Муҳаммад Ғазоллий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Яҳё Сухравардийлар тасаввуфни янги бир поғонага кўтариб, уни фалсафа билан уйғунлаштирган ҳолда ижод қилганлари айтиб ўтишимиз лозим. Ўз навбатида Азизиддин Насафий ҳам шулар жумласидандир. Азизиддин Насафий “Зубдат-ул ҳақойиқ” асарида ваҳдат аҳлининг вужуд (борлиқ) фақат битта ва у Субҳонаҳу таоло Парвардигори оламнинг вужуди эканлигини таъкидлаб ўтган. Субҳонаҳу таоло вужудидан бошқа вужуд йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Яна улар дейдиларки, гарчи вужуд битта бўлса ҳам, лекин бу вужуд ўз-ўзича зоҳирий ва ботиний борлиққа эга.

Шундай экан, ваҳдат аҳли фикрига кўра, ботиний вужуд нурдир ва бу нур ўша олам жонидир, олам бу нур билан тўлиқдир, бу нурнинг ҳудуди ва адоғи йўқ. У худди бепоён денгизга ўхшайди. Ҳаёт, маърифат (билим), ҳаракат ва ашёлар қудрати ҳамда табиат, ашёларнинг хоссаси ва ҳаракати шу нурдан, кўриш, эшитиш, гапириш ва юриш қуввати шу нурдандир. Бу нурдан ўзга нарса йўқ, чунки борлиқ шу нурда жам. Гарчи нарсаларнинг сифати, фаолияти ва номлари шу нурдан бўлсада, бироқ бу нурдан ташқарида ўзга нарса йўқдир Оламдаги (алоҳида) бирликларнинг ҳаммаси ушбу нур кўринишининг моҳиятидир. Улар (бирликлар)нинг ҳар бири шу нурнинг дарчаси бўлиб, нур (шуъласи) шу дарчалардан таралади. Бу нурнинг боши ҳам, охири ҳам йўқ, фано ва адам (йўқлик) унга таъсир этмайди. Лекин дарчалар эскиради, янгиланади, тупроққа айланиб, яна тупроқдан бунёд этилади. Улар (дарчалар) ўз-ўзича мавжуд бўлиб, ўзлари туғилади ва ўзлари етишади. Улар камолоти учун зарур нарсаларга эгадирлар.

Бу нур ўзининг зуҳурига ошқидир, зеро бу нур зуҳуротда ўз жамолини мушоҳада этади, ўзи сифатларини ва исмларини идрок этади. Худдй шунинг учун ҳам «Ўз Раббингнн таниш (билиш) учун аввал ўзингни тани (бил)»—деган Ҳадис айтилган. Сен бу ягона нур оламининг жони эканлигингни ва барча касрат (кўплик) бу нур зуҳурининг ҳақиқати эканини билганингдан кейин, агар (бўлганлар ҳам биз, борлар ҳам биз, бўладиганлар ҳам биз, десалар — ҳақдирлар ва яна агар бўлганлар биз эмас, борлар биз эмас, бўладиганлар биз эмас, десалар ҳам — ҳақдирлар. Борлиқнинг (касратидаги) бирликлари (жузвларни бу вужудга нисбатан олганда, муқаддам ҳам, муцақбил ҳам бўлмайди, зеро борлиқнинг ҳар бир алоҳида зарраси (бирлиги)нинг вужудга нисбати ушбу китоб ҳарфларининг сиёҳга нисбати кабидир. Шунинг учун ҳам инсондан Худогача бўлган йўлнинг кенглик ва узунлик бўйича (ўлчови йўқ) дейдилар. Борлиқнинг бирликлари бир-бирларига нисбатан эса муқаддам ва муцақбил (яъни олдин-кетин бўлиши мумкин. Бир хили бошқаларига нисбатан ўтган замонда, бошқалари келаси замонда бўладилар¹.

Вужуд (ҳақиқий борлиқ) ягонадир ва у Худонинг вужудидир. Ва Худо вужудидан бошқа вужуд йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу ягона вужуднинг ботини нурдир ва у оламнинг жонидир ва бу нур ўзини дарчалар орқали зоҳир этади, ўзи айтиб, ўзи эшитади, ўзи бериб, ўзи олади, ўзи тасдиқлаб, ўзи инкор этади.

Бу нурга муяссар бўлмоқ, уни кўрмоқ керак, ширкдан халос бўлиш учун оламга шу нур орқали боқиш лозим. Азизиддин Насафийнинг Шайхлари шундай дер эдилар: мен бу нурга эришдим ва уни кўрдим, у беҳудуд ва поёнсиз, унинг юқори-паци, ўнгу сўли йўқ, олди-орқаси ҳам йўқ. (Ул нурни кўргач), уйқу ва очлик ҳисси, даромад ва чиқим ҳақидаги ўйлар мени тарк этди. Менинг ҳаловатим бузилди. Мен буни бир валий одамга айтиб бердим. У менга: Бор бировнинг ғарамидан эгасидан сўрамасдан бир

¹ Азизиддин Насафий. Зубдат ул- ҳақойиқ. —Тошкент: Камалак, 1996. — 55 б.

ховуч сомон олгин, деди. Мен бордим ва олдим ва бу нурни бошқа кўрмадим. Айни ўринда солик ахлоқи оддий одамлар ахлоқидан анча фарк қилиниши ёрқин далиллар орқали ёритиб берилган. Унга нафақат ўзгалар молидан заррча бўлсада бесўроқ фойдаланиш, балки ўз рисқини оллохдан бошқасидан кутиш ҳам жоиз эмас. Бошқа бир авлиё дерди: мен бу нурга мушарраф бўлдим ва бу нурни идрок этгач, ўзимни кўролмай қолдим, чунки ҳаммаёқ нур эди. Солик ушбу нурга етишганда, унга оят-аломатлар берилади. Биринчи оят-аломат шуки, у ўзини кўришдан тўхтайди, токи у ўзини кўрар экан, махлуқот касрати сақланган бўлади, токи у касрат-ни кўрар экан — у ваҳдат аҳлидан эмасдир (яъни кўп худолидир). Солик ўзи маҳв бўлгандан кейин ширк ҳам йўқолади, ҳулул (сингиш), васл, фироқ бирлашпш йўқолади, ҳулул икки одам орасида содир бўлса, бирлашиш икки ашъё орасида кечади, ҳижрон ва васл ҳам икки одам орасида юз беради. Солик бу нур ичра ёнгач, буларнинг ҳаммаси барҳам топади ва ёлғиз Худо-нинг ўзи қолади, холос. Солик фанодан ўтиб, тавҳидга етади. Ваҳдат аҳлининг аксари борлиқда (вужудда) айтилганлардан ортиқ нарсани кўрмайдилар ва билмайдилар. Аммо уларнинг вужуддан бошқа вужуд ,йўқ ва бу вужуд Худонинг борлиғидир, у зоҳир ва ботинга эга, унинг зоҳири бир нурдир, нурнинг зуҳири (зухурланиши) ушбу нурнинг сифатларидир ёки ушбу нурнинг кўзгуси ёхуд ушбу нурнинг чироғидир, деган сўзлари ҳақдир. Улар тўғри мушоҳада этадилар, аммо улар борлиқнинг асл асослари, қайси-ким, соф ваҳдатдир, идрок этмаганлар. Ва уларнинг нигоҳи нарсалар ҳақиқатига етмайди. Ҳолбуки мулк билан малакут жабарут олдида уммондан қатра мисолидир. Жабарут — бу мусаффо ваҳдат, жисм ва руҳнинг манбаи, Китоб ва Каломнинг боши, мулк ва малакутнинг асоси, борлиқ ва одамнинг Манбаидир. Мулк ва малакутда бор жамиъ нарсалар жабарутда мавжуд. Мулк ва малакутда еру осмон ҳам, Аршу Курси ҳам бор. Еру осмонда шу қадар беҳисоб махлуқот мавжудки, улар учун бу осмонда одам борлиги ҳам, Иблиснинг борлиги ҳам аҳамиятсиз нарсадир. Яъни уларнинг фикрига кура,

улуғ олам уруғи (тухум) бўлган бирламчи жавҳар бирламчи ҳаюло (моддиюн)дир¹.

Юқоридаги фикрлардан Насафий тасаввуфий қарашларининг яна бир аспекти юзага чиқади. Мутасаввуфларга кўра солиқ ваҳдатга эришгач унда “мен” батамом бартараф бўлади. Фақат Аллоҳ қалади. Ҳаттоки, мен худонинг қулиман дейишнинг ўзи ҳам солиқ ўзи ва худони алоҳида-алоҳида кўраётганидан далолатдир. Ваҳоланки, унда манманлик батамом маҳв этилган бўлмоғи керак. “Мен”нинг ўлдирилиши барча салбий иллатларнинг асоси бўлган нафснинг энгилиши демакдир. Тариқатнинг даълабки босқичларида фанога эришиш орзуси ҳам ножоиздир. Бир сўз билан айтганда фано даражасига кўтарилган руҳда ҳеч қандай шахсий ицаклар қолмайди. Ундаги барча ҳатти-ҳаракат фақатгина Аллоҳ амри билан содир бўлади. Унинг барча ицаклари Аллоҳнинг ицаклари демакдир. Табиийки, фақатгина Аллоҳ амрига бўйсунган киши ахлоқан етук нафс иллатларидан ҳоли, гуноҳдан узоқ киши саналади. Жалолиддин Румийнинг “Ичингдаги ичингдадур” асарида шундай ҳикоят келтирилади: “Подош ҳузурида барча аёнлар кўлларида қадах кўтариб турардилар. Подшоҳнинг энг яқин аёни кўлидаги қадахни тушириб юборади. Буни кўриб қолган аёнлар ҳам қадахларини ерга ташлайдилар. Шунда подшоҳ улардан қадахларни нега ташладингиз деб сўрайди. Улар подшоҳга эг яқинингиз шундай қилду-ку ахир деб жавоб беришиди. Подшоҳ эса бу аённинг эмас балки ўзининг хохиши бўлганлигини тушунтиради.”² Бундан Азизиддин Насафий комил инсон концепсияси”нинг бирламчи шarti ахлоқ эканлиги келиб чиқади.

1.2. Азизиддин Насафий фалсафасида ахлоқий тушунчалар талқини

Тасаввуф ахлоқшунослиги ҳақида гап кетар экан, энг аввало, тасаввуфнинг моҳиятини англаб олмоқ лозим. Бу борада дастлабки

¹ Азизиддин Насафий. Зубдат ул- ҳақойиқ. –Тошкент: Камалак, 1996. – 57 б.

² Жалолиддин Румий Ичингдаги ичингдадур. -Тошкент.: Янги аср авлоди. 2003. – 49 б.

сўфийлардан бўлмиш Робия ал-Адавийанинг (713 - 801) Худога муносабати диққатга сазовордир. Бу муносабатини у «муҳаббат» деб атади ва Яратганга шундай илтижо қилади: «Ё, Аллоҳ, юлдузлар чарақлаб турибди, одамларнинг эса кўзлари юмилган... ҳар бир ошиқ ўз маҳбубаси билан висол лаззатини тотмоқда, мен эса ёлғиз Сен биланман. Ё, Эгам, агар Сенга мен дўзахингдан кўрққаним учун ибодат қилаётган бўлсам, мени дўзахингда ёндир, агар жаннатинг илинжида ибодат қилаётган бўлсам, мени унга йўлатма. Агар фақат ўзингни деб ибодат қилаётган бўлсам, мендан мангу гўзал жамолингни яширин тутма!»¹. Кўриниб турибдики, Робия ал-Адавийа Худога нимадандир кўрқиб, ёки ниманингдир илинжида муножот қилаётгани йўқ, балки маҳбуб сифатида, яъни муҳаббат изҳори билан мурожаат этмоқда. Унинг наздида ҳақиқий ишқ манфаатсиз воқе бўлиши керак; Аллоҳга муҳаббат жаннатга эришиш воситаси эмас, яъни жаннат мақсад эмас, мақсад - Аллоҳ ва унинг муҳаббати. Олмониялик улкан мутасаввиф олима Аннемарие Шиммел шу муносабат билан ўз китобида қизиқ бир қадимий ривоятни келтиради:

«Ривоят қилишларича, бир куни художўй сўфий Робийа бир қўлида бир челақ сув, иккинчи қўлида ёниб турган машъала кўтарганча Басра кўчаларидан югуриб ўтаётган экан. Йўловчилар ҳайрон бўлиб ундан сўрашибди:

- Бунчалар шошилиб қайларга йўл тутдинг, эй Робийа?

Робийа қўлидаги челақка ишора қилибди:

- Дўзахдаги ўтни ўчирмоқчиман.

Йўловчилар ёқаларини тутиб, «астаффируллоҳ» деганча сўрашибди:

- У ҳолда қўлингдаги машъала нечун?

- Бу машъала билан жаннатга ўт қўймоқчиман.

Йўловчиларнинг юзларидан қони қочиб қичқиришибди:

- Аллоҳдан мағфират сўраб илтижо қил, эй бадбахт аёл, акс ҳолда кофир қавмлардан бўлиб қоласан.

¹ Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. –М.: Наука, 1965. С. 18.

- Йўқ, азизларим, мени нотўғри тушундинглар. Мен кофир эмасман, Аллоҳ таоло билан бандалар ўртасидаги бу икки пардани йўқотмоқчиман холос, токи бандалар Аллоҳ таолога дўзах ўтларида куйишдан қўрқишгани ёки жаннат иқболидан умидвор бўлишгани учун эмас, балки Унинг Аллоҳ эканлиги, Биру Борлиги ва Боқий гўзаллиги учун ибодат қилишсин».¹

Демак, шариат исломнинг моҳиятини англатадиган дастлабки, ташқи-ҳуқуқий босқич бўлса, тариқат унинг ички-ахлоқий, юксак босқичдаги кўриниши ҳисобланади. Буни аллома Ҳусайн Воиз Кошифий мана бундай тушунтиради: «Шариат - равшан билган нарсалардир, нишондир, ҳурматдир. Тариқат - кидириладиган нарсалардир, интилиш, баёндир, хизматдир. Ҳақиқат - кўриш учун курашиш, кўриладиган нарса, яъни аёндир, ҳикматдир. Агар булардан ҳар бирининг самараси нима, деб сўрасалар, дегил: шариатнинг самараси - аҳдга вафо, тариқатнинг самараси - фикр, яъни ўзидан воз кечмоқ, ҳақиқатнинг самараси - баҳо, яъни ботилдан умидни узиб, ҳақ суйган ишларга боғланиш».²

Кошифий томонидан тариқатни қидириш, интилиш ҳамда баён қилиш билан боғлиқ унинг самарасини эса фикр деб талқин этилиши тасаввуфнинг мушоҳада ва тафаккурга суянишини, яъни фалсафий умумлаштириш тамойили асосида иш кўришини англатади.

Тангри инсонни фаришталардан улуғ қўйиб, ердаги халифам деб атади, яъни айрича бир муҳаббат билан яратди, унга тафаккур қилиш имконини берди. Демак, инсон ҳам унга муҳаббат қўймоғи лозим. Инсонга юбориладиган азоб-уқубатлар ана шу муҳаббат даражасининг Худо томонидан синаб кўрилишидир. Тасаввуфнинг моҳияти икки томонлама муҳаббатни талқин этмоқ. Шунинг учун тасаввуф ахлоқшунослигида муҳаббат ҳис-туйғулик мақомидан тушунча даражасига кўтарилади. Қисқа қилиб айтганда, тасаввуф исломий ахлоқ фалсафаси сифатида иш кўради.

¹ Шиммел Аннемарие. Жонон – менинг жонимда. –Тошкент, Шарк, 2004. – 56 б.

² Ҳусайн Воиз Кошифий. Футуватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2011. - 17 б.

Мутасаввиф файласуфнинг ихтиёр эркинлиги борасидаги карашларида тақдир муқаррар ҳодиса сифатида талқин этилади. Бунда ҳам билим (билиш) биринчи ўринда туради; ихтиёр билимга бўйсунди. Зеро, инсон нима ўзига ёқиш ёки ёқмаслигини билим (билиш) орқали англаб етади. Умуман, ихтиёр эркинлиги ихтиёрнинг ўзига хос тури, у нимагаки инсон ишончсизлик туйса, ўшанга нисбатан бўлган ақлий муносабатдан юзага чиқади. Ихтиёр эркинлиги «касб» тушунчаси билан боғлиқ. Касб - касб этмоқ, ўзига олмоқ, ўзига юқтирмоқ сингари маъноларни англатувчи тасаввуфий атама. Масалан, Худо бир бандасини синаб кўриш учун унга ёмонликни раво кўрди, дейлик. Бу унинг тақдири, мутлақ муқаррар ҳодиса. Лекин ёмонликнинг ижроси бошқа бир одам ихтиёрига берилади, яъни синалаётган бандага ёмонлик қилиш-қилмаслиги ана шу восита-одамнинг ихтиёрий танловига боғлиқ. У - эркин. Агар у яхшилиқни танласа - савоб, ёмонликни танласа - гуноҳ унинг бўйнига тушади. Худди шунингдек, ёмонлик объекти бўлган банда агар Худонинг синовига шукур билан жавоб берса, у суюқ, аксинча, шаккоклик қилиб, Худодан нолиса ёки юз ўгирса, у гуноҳкор банда.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, Ўрта асрлар мусулмон фалсафасида тақдир (қадар) муаммоси кўпгина тортишувларга сабаб бўлган. Ибн Сино мутасаввиф аллома Абу Саид ибн Абул Хайр Меҳаний билан олиб борган ёзишма-мунозарасида шундай мулоҳаза билдиради: «Қадар, - деб ёзади Ибн Сино, - инсон ақли қамраб ололмайдиган, нафақат мажозий ва мавҳум, балки бутунлай билиш, тагига етиш мумкин бўлмаган масаладир». Шундан сўнг у тақдир ҳақидаги Муҳаммад алайҳиссаломга нисбат бериладиган: «Қадар Аллоҳнинг сиридир» ва Ҳазрат Алига нисбат бериладиган: «Бу тубсиз денгиздирки, унга тушиб бўлмади», «Бу тик қоядирки, унда ушлайдиган ҳеч нарса йўқ», деган Ҳадис сўзларини келтиради¹.

¹ Ибн Сино. Абу Саид Абул Хайр Меҳаний билан мунозара. // Соғлом авлод учун. –Тошкент, 1996. №5–6. – Б. 12-16.

Гап шундаки, ўша даврларда аҳли тасаввуф орасида «Қадар сирини билишга уриниш илҳаддир (шаккокликдир)» деган ибора урф бўлган эди. Зеро, сўфийлар таваккулга катъий риоя қилмоқлари лозим, яъни ҳамма нарсада ёлғиз Худога суянмоқлари, у берган тақдирга шукрона билан бўйсунмоқлари керак. Лекин, аини пайтда, юқорида айтганимиздек, сўфий ҳам бир инсон сифатида ихтиёр эркинлигига эга, ундан танлаш ҳуқуқи тортиб олинмаган. Танлов эса, шунчаки, ўз-ўзича эмас, балки муайян хатти-ҳаракат орқали рўй беради. Демак, тақдир қай даражада-дир инсоннинг хатти-ҳаракати билан ҳам боғлиқ, мутлақ қотиб қолган ҳодиса эмас. Бунини Имом Ғаззолий ҳам тан олади. У ўзининг «Аё ўғлон!» («Айюҳал валад») асарида: «Аё ўғлон! Яхши амалларсиз юксак мукофотга эришиб бўлмайди, - дейди ва қуйидаги ҳикоятни келтиради: Бани Исроилда бир киши етмиш йил Аллоҳ таолога ибодат қилади. Тангри уни малакларига кўрсатишни истади ва малаклардан бирини унга юборади. Фаришта унга: «Бундай ҳаддан ташқари ибодат билан жаннатга киришга етиша олмайсан», дейди. Ўшанда (камолотга) етишган обид эса: «Биз ибодат учун яратилганмиз. Ибодат бизларга тақозодир», деб жавоб беради. Фаришта қайтиб чиқиб Худога дейди: «Унинг нима деганини Ўзинг билгувчисан!». Шунда Аллоҳ таоло: «Бизга ибодат қилишни тўхтатмади ва биз ҳам унга кўрсатадиган карамимизни тўхтатмаймиз! Эй, малаклар, шохид бўлингки, уни афв этаман», - дейди.¹

Ҳикоятнинг муҳимлиги шундаки, гап унда Аллоҳга суюқ бўлиш тақдирда ёзилмаган банданинг суюкли обидга айланиши ҳақида кетяпти; ундан кўриниб турибдики, солиҳ банда нимагаки эришган бўлса, ҳаммаси, аввало Аллоҳнинг карами кенглиги, қолаверса, унинг ўз хатти-ҳаракати туфайли рўй берди.

Ният тасаввуф ахлоқшунослигида баъзан ҳаракатдан ҳам катта аҳамият касб этади. Агар яхши ният қилинса-ю, лекин инсон ихтиёрига боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли у рўёбга чиқмай қолган бўлса, бундай

¹ Абу Ҳомид Ғаззолий. Эй фарзанд. –Тошкент: Фан, 1994. – 34 б.

ният амалга ошган деб ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳар бир ҳаракат ўзини уйғотадиган ниятга бўйсунди, зеро, у ўз заруриятини ўша ниятдан олади.

Тасаввуф ахлоқшунослигининг яна бир улкан намояндаси буюк юртдошимиз Шайх Азизиддин Насафийдир (XIII асрнинг биринчи ярми - XIV аср бошлари). Ахлоқий муаммолар унинг «Зубдат ул-хақойиқ» («Ҳақиқатлар қаймоғи»), «Инсон комил» («Комил инсон») каби асарларида кўтарилади.

Азизиддин Насафий тасаввуф ҳақида фикр юритар экан, унинг кадимий фалсафий меросга қарашлари бошқа мутасаввуфларнинг қарашларидан ўзига хослиги билан ажралиб туради. У инсон тараққиёти ва руҳи тўғрисида шариат аҳлининг ҳам, ҳикмат (фалсафа) аҳлининг ҳам фикрларини қайд этиб, уларни учинчи, юксак даражага - тасаввуф аҳли тафаккурига олиб келувчи поғоналар тарзида талқин этади.

Насафлик бобокалонимиз ҳам Арасту изидан бориб: «Инсон ҳайвон турларидан биридир, - дейди ва сўнг шундай давом этади. - Эй дарвеш, айнан ҳайвон руҳи тарбия топиб, таълим ва таҳсил кўриб, билиш, такрорлаш, тақво ва зикр туфайли даражалар бўйлаб ривожланади...»¹. Ривожланган (инсоний) руҳнинг ривожланмаган (ҳайвоний) руҳдан фарқи шундаки, биринчиси хусусийликни ҳам, умумийликни ҳам англай олади, яъни, «яхлит билувчи, яхлит кўрувчи, яхлит сўзловчи», иккинчиси эса хусусийликни, жузвийликнигина англашга қодир. Унинг фикрига кўра, инсонда руҳ ҳам битта, жисм ҳам битта, фақат руҳнинг даражалари ҳар хил; жисм руҳга, руҳ жисмга мувофиқ, бир-биридан ажралмайди; жисм билан руҳ бирга ривожланади ва комилликка эришгунча камолот босқичларидан кўтарилиб бораверади.

Мутасаввиф-файласуф меросида комил инсон муаммоси ана шу руҳ даражалари билан боғлиқ ҳолда олиб қаралади. Шу сабабдан ҳам улкан олимимиз Нажмиддин Комилов: «Азизиддин Насафийни комил инсон илмининг назариётчиси дейиш мумкин, чунки унинг барча асарларида бу

¹ Насафий Азизиддин. Зуббат ул-хақойиқ. Н.Комилов таржимаси. Тошкент., Камалак, 1995, 42–б.

мавзу марказий ўринни ишғол этади», деган фикрни билдиради ва алломанинг бу борадаги қарашларини биринчи бўлиб жиддий таҳлил қилади.¹ Юқорида таҳлил этилган ихтиёр эркинлиги масаласи ҳам Азизиддин Насафий қарашларида ўзига хос хусусият касб этади. Яъни унда ихтиёр эркинлиги ёки тақдир тушунчалари комилликка эришиш жраёнидаги рух ахлоқий эволюциясига нисбатан қўлланилади. Ҳамда шариат аҳли, ҳикмат аҳли ва мутасаввуфларнинг бу борадаги қарашлари таҳлил қилиниб ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ёрқин далиллар мисолида очиб берилади. Рухни яхлит парчаланмас, жисмни эса қаттиқ парчаланувчан деб таъкидлайди шунга кўра рух амр оламидан, жисм эса махлуқот оламидан дейди Насафий. Рухнинг намоён бўлиш шакллари табиат даражасида ўсимлик, ҳаракат даражасида ирода, ақл даражасида инсон руҳи деб тавсифланади. Ва рух даражалари генезисининг қуйдаги даражалари ирарҳиясини келтиради.

Рухнинг маъносини билдинг, (энди) рух даражаларини ҳам билиб ол. Тангри субҳонаху таоло руҳлар оламини яратишни ихтиёр этиб, ўз нигоҳини жавҳарнинг шаффоф қиёмига қаратди ва ул қиём қайнаб эрий бошлади. Шу қиёмнинг қиёми (мағзи) ва қаймоғидан² улулазм (энг буюк) пайғамбарлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан мурсал пайғамбарлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан қолган пайғамбарлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан авлиёлар руҳини яратди,

унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан аҳли илму маърифат руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан зоҳидлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан тақво аҳли руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан аҳли имон руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан (қолган) одамлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан ҳайвонлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан ўсимлик руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан маъданлар ва ашёларни яратди... ва малакут олами шу тариқа якун топди.

¹ Комилов Н. Тасаввуф. 1–китоб. Тошкент., Ёзувчи, 1996, 147 – 152-б.

² Бу ерда “мағз”, “қаймоқ” тушунчалари фалсафадаги энг туб, соф асос, моҳият тушунчаларига мувофиқ келади.

Билгилки, Тангри субҳонаху таоло жисмлар оламини ҳам яратишни истаб, ўз ниогоҳини қуйқа қолдикқа қаратди ва ул қуйқа қолдиқ қизиб қайнай бошлади.

Унинг мағзи ва қаймоғидан Аршни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан Курсини (Тахтни) яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан еттинчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан олтинчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан бешинчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан тўртинчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан учинчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан иккинчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан биринчи осмонни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан оловни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан ҳавони яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан сувни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан тупроқни яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан бошқа жисмларни яратди.

Мулк оламининг жисмлари (шу тариқа) якун топди. Мулк ва малакутдан яралмишлар 28 тадир: 14 таси мулк, 14 таси малакут оламида. Мураккаб жисмлар 3 та: маъданлар жисми, ўсимлик жисми, ҳайвонот жисми.

....содда жисмлар мулк ва малакут оламида 28 эканига ҳеч бир шубҳа йўқ. Аммо руҳлар олами аввалми (идеалистлар) ёки жисмлар олами (материалистлар), аввал мабдаъ (чиқиш), кейин маод(қайтиш)ми, ёки аввал маод, сўнгра мабдаъми, аввал олий даража пайдо бўлиб, кейин тартиб билан қуйи даражаларга қараб бориладими ёйинки аввал қуйи даража пайдо бўлиб, кейин бирин-кетин юқори даражалар келиб чиқадими, деган масалалар устида қарама-қарши фикрлар бор¹.

Ушбу руҳ даражалари азалдан яратилган, (яъни) улар касб этилган хислатлар эмас. Ва Раббил оламиннинг яратувчилик ишида тағйирот (ўзгариш) содирбўлмайди, деб бу нуқтайи азар Имом Аду Ханифа мазҳаби талқинига тегишли эканлагини таъкидлаб ўтади Насафий Азизиддин.

¹ Насафий Азизиддин. Зубдат ул-ҳақойиқ. –Тошкент: Камалак, 1995. – 42 б.

(Бу мазҳабдагиларнинг фикрича) Аллоҳ таолонинг хислати (аслан) шундайдир ва барча одамлар шу хислатга мувофиқ яратилган ҳамда уларнинг даражалари руҳларнинг даражаларидир (яъни касбий эмасдир). Агар даражалар касбий бўлганида эди, унда ҳар бир киши ўз мақомидан исталганча ўзиб, тобора юқорироқ даража-мақомга кўтарилаверарди, масалан, авлиёлар анбиёлар мақомини, анбиёлар расуллар мақомини эгаллар эдилар... Бироқ мақомлар касбий эмас, (демак, уларни) саъй-ҳаракат билан эгаллаб бўлмайди. (Даража-мақомлар) яратилишда ҳар бир тоифага насиб этадиган улушдир. Шунга кўра йўлда тўхтаб қолиш мумкин, лекин ўзининг азалий мақомини босиб ўтиб кетиб бўлмайди.

Юқорилаги фикрлардан келиб чиқадики, руҳий даражалар яратилганда қандай бўлса, шундайича қолади, шу маънода тақдири азални ўзгартириб бўлмайди, ўз мақомидан ўзиб кетиш мумкин эмас. Руҳлар бу оламга келадилар, аммо ўз сўзлари ва ишларида ўзгаришсиз қоладилар... Бундан, бу дунёга келган ҳар бир руҳ ўзининг муайян чегарсига (меёрига) эга бўлади ва ўзининг аввалги (яратилишдаги) мақоми бўйича жисм ичра қанча бўлиши, қанча нафас олиши, қанча еб-ичиши, қанча сўзлаши, нималарни ўрганиши ва ўйлаши ва ҳ.к. олдиндан белгили бўлади. Ҳақнинг иродаси ва илмидан ташқари дарахт япроғи қимирламайди, одам ҳам бундан ортиқ ҳеч нимани ният қила олмайди.

Аммо бу фикрлар ғоят шубҳали. Уларнинг фикрлари билинган нарса маълум илмга бўйсунадими ёки илм маълумга бўйсунадими, деган масала ечими билан боғлиқ¹. Шариат аҳли фикрича, маълум илмга бўйсунеди. Шунга кўра ҳамма нарсанинг олинган маълум белгиланган меёри бор ва бу меёрдан ошиб ўтиб бўлмайди. Тангри таоло азалда қандай белгилаган бўлса, шундай бўлади. Аммо Аҳли ҳикмар яъни файласуфлар фикрига кўра, илм маълумга (билиб олинганга) бўйсунеди.

Бинобарин, одамларнинг сўзлари ва фаолияти, ишлари учун олдиндан белгиланган ўлчовлар йўқ. Билим ва бойликка эга бўлиш одамларнинг саъйи

¹ Насафий Азизиддин. Зуббат ул-ҳақойиқ. – Тошкент: Камалак, 1995. – 44 б.

ҳаракатига боғлиқ: одам қанча кўп ғайрат қилса, билими ва даражаси шунча ортади. Яхшилик ёки ёмонлик қилиш, кам ёки кўп ейиш қабилар ҳам худди шундай – инсон ихтиёридаги иш, у қанча меҳнат ва куч сарфласа, шунча имкон топади...

Энди руҳ жисмни тарк этгач, қаерга бориши ҳақидаги мулоҳазалар. имон мақомидаги руҳ жисмни тарк этса, биринчи осмонга қайтади, тақводорлик мақомидаги жисмни тарк этган руҳ иккинчи осмонга қайтади. Бошқа мақомлар ҳам айти шундай. Ҳар бир руҳ ўзи (туғилишидан олдин) тарк этган мақом манзилига қайтади ва ҳеч бир руҳ жисмдан ажралганидан кейин ўз мақомини қўйиб бошқа юқорироқ мақомга кўтарила олмайди. Бу - 9 даражанинг ҳолати. Аммо кимки жисмда имон мақомини қозонмаган (яъни пайғамбарларни тан олмаган ва авлиёларга эргашмаган) бўлса, у аввалда (жисмга келишидан олдин) қайси даражада бўлмасин, осмонга қайтмайди. Зеро, бундай оламлар, гарчи сурати одамлардай эсада, бироқ ҳулкига кўра улар одам эмас, балки ҳайвон (жинлар) жумласидандир¹. Чунки, ҳайвонлар учун аслият оламига йўл йўқ, аслият олами эса гуноҳсиз, пок инсонлар, аҳли таҳорат, маърифатлилар ва фаришталар руҳининг манзилidir. Шунга кўра, тақвосиз, маърифатсиз одам руҳи юқори оламга муяссар бўлмайди.

Аввало, бошланғич жавҳар - руҳи аввал эканини эслатиб ўтиш жоиз. ...бошланғич жавҳарни (яъни руҳи аввални) Одам (Одами қадмон) деб аташ ҳам мумкин, чунки қолган барча одамлар руҳи (даставвал) унда мавжуд бўлган, барчаси (ўз мавжудлигини) ундан (Одамдан) олганар. Шу Одамда эканида улардан (руҳлардан) сўралган: “Аласту бираббикум?” (“Мен сизнинг раббингизманми?). Шунда кимки “ҳа”, деган бўлса, унинг руҳи олий эди, “ҳа” демаганларини эса пастдир. Лекин “ҳа” деган бўлсаларда, гуноҳ ишларни қилган бўлсалар улар имон мақомидан юқори кўтарилмайди. “Ҳа” демаганлар эса имон мақомига ҳам етолмайдилар.

Модомики, руҳи аввални Одам дейилса, ундан ажралган қолдиқ Ҳавводир. Одам ва Ҳавво дарахтга (ақлга) яқинлашганларидан кейин

¹ Насафий Азизиддин. Зуббат ул-қасоийш. Н.Комилов таржимаси. Тошкент., Камалак, 1995, 42–б.

жаннатдан чиқарилдилар. Жаннатнинг ҳам, дарахтнинг ҳам ўз даражалари мавжуд. Яъни ўткинчи жаннат ва абадий жаннат. Шариат аҳли фикрига кўра, улуғ оламдаги фарқлар шу тариқа пайдо бўлган. Аммо уруж (юқорига кўтарилиш) ва нузул (қуйига тушиш) юқорида айтилганидай талкин этилади.

Бироқ тасаввуф аҳли бошқача уруж ва нузул ҳам бор, дейдилар. (гап шундаки, тасаввуфга кўра) анбиё ва авлиёларнинг уружи табиий ўлимга қадар содир бўлади. (Яъни) Бошқалар табиий ўлимдан кейин кўрадиган нарсаларни улар ўлимга қадар кўрадилар, аниқроғи, бошқаларга ўлимдан кейин маълум бўладиган ҳолат уларга ўлмасларидан олдин маълум бўлади. (Зеро) улар илмул яқин¹ даражасидан айнул яқин² даражасига ўта оладилар.

Жисмоний вужуд парда кабидир, у руҳий олам ва унинг даражаларини кўришга имкон бермайдиган тўсикдир. Киши вафотидан кейин унинг жисми руҳига тўсиқ бўлмай қолади, руҳ жисмоний вужуд зиндонидан чиқади Платон талқинаги “ғор”дан ташқарига чиқади, озод бўлади. Айн ул-яқин илм эса ақли ва анбиёларга тирклигидаёқ шу пардани четлаб ўтиш имконини беради.

Анбиёларнинг уружи (руҳнинг ахлоқий эволюцияси) икки хил бўлади: 1) фақат руҳнинг ўзи, жисмсиз кўтарилади; 2) руҳ билан жисм биргаликда кўтарилади (парвоз қилади). (Меърож).

Авлиёларнинг уружи эса бир хилдир - уларнинг руҳлари жисмларидан ажралиб кўтарилади...

Солиқка³ ўлмасидан бурун истиқболдаги (абадий) ҳаётга муяссар бўлиш улуғ неъматдир. (Хадис: ўлмай туриб ўлинг!)⁴. Оддий одамлар буни билмайдилар, агар билсалар эди, тирикликларида абадиятга эришиш учун, ўз мақомларини ижрок этиш учун туну кун жаҳд қилур эдилар.

Солиқ бу йўлда уч нарсага алоҳида аҳамият беради: биринчиси - сулук (тариқат йўли), иккинчиси - жазба (ишқ), учинчиси - уруж

¹ Айн ул-яқин илм – Ҳақиқатнинг айнаи ўзи деган маънони ифодалайди, яъни бу илм Ҳақ билан бевосита боғланиш орқали эришилган илмдир.

² Илм ал-яқин – кишининг ўз тафаккури, ақлу гидроки ва тажрибаларини ишга солиб, олимларнинг қилган ишларини ўрганиш орқали эришиладиган ҳосил қиладиган илм, яъни, маърифат.

³ Солиқ – тариқатга, йўлга кирган, яъни тасаввуфий таълимни олаётган шогирд.

⁴ Насафий Азизиддин. Зуббат ул-ҳақойиқ. –Тошкент: Камалак, 1995. – 42 б.

(кўтарилиш). Сулукка хос нарса - ҳаракат, интилишдир; жазбага хос нарса тортилиш, завқу шавқдир, уружга хос нарса – карам ва саҳоватдир. Кимдаки бу уч нарса мавжуд бўлса, у шайх ҳам, муршид¹ ҳам бўла олади. Бу уч нарса бўлмаган киши муршид бўлишга лойиқ эмас.

Тасаввуф аҳлининг уруждан (кўтарилишдан) мақсадлари қуйидагича: ўз руҳининг саломатлик ва бедорлик (хушёрлик) ҳолатида жисмидан чиқиб, тириклигида ўлимдан сўнг юз берадиган ҳолатларни кўриш; дўзах, жаннатни кўриб, жаҳаннам ва беҳишдан озуқланувчиларни билиш; илм ул-яқин мартабасидан айн ул-яқин мартабасига ўтиб, кўрганларининг моҳиятини – ҳақиқатни англаб етиш. (Шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат).

Фалакка (осмонган) уруж қилган руҳ аваало ўз мақомига етади, шундан кейингина то Арши Аълогача, яъни Хотамиул анбиё мақомигача кўтарилади. Зеро, ҳеч бир руҳ ўзининг илк мақоми – асл ватанини четлаб ўтолмайди. Руҳ вужудга қайтганидан кейин нимага эришган, нимани кўрган бўлса, ҳаммасини хотирасида сақлаб қолади. Баъзиларнинг руҳи кўкда (осмонда) бир кун қолиб, осмон доирасини кезиб чиқиб, кейин ўз жисмига қайтади. Бошқасининг руҳи осмону фалакларда 10 кунгача ҳам қолиши мумкин. Руҳ осмондалигида тана (жисминий вужуд) ҳаракатсиз, ўлиқ ҳолатда бўлади. Клиник ўлимда бирнеча дақиқа, йогаларда, сўфийларда, Пифагорда бир неча кун шундай бўлгани ҳақида гапирилган.

Дейдиларки, охирги пайғамбар билан охирги валий(авлиё)нинг руҳи Арши Аълогача кўтарилиб боради. Бу тоифа(даража)дагиларни Али мартабаси дейдилар...яъни, масалан, ҳазрати Алининг мартабаси ҳамма мартабалардан баланд. Бу тоифадаги валийларни ҳатто расул ва анбий рутбасидан ҳам юқори ҳисоблайдилар.

Дунё охир бўлиб, қиёмат бошланганда, ҳар бир ўтган одамлар танасининг аъзолари йиғилиб, жисмлари тикланади ва ҳар бирига ўзининг руҳи киритилади. Осмонлар жипслашади ва Ер ҳам ўзгаради, барча одамлар Маҳшар майдонига келтирилади. Ва ҳар бир кишининг гуноҳу савоби ҳисоб

¹ Муршид – тасаввуфда тўғри йўлни кўрсатувчи, пир.

килингач, ҳаммасини дўзахга ташлайдилар. Имону дини борларни, солиҳларни дўзахдан чиқариб, жаннатга киритадилар, кейин улар жаннатда абадий истикомат қиладилар. Имонсизлар ва золимларни дўзах қаърига улоқтирадилар, улан унда абадий азобланадилар. Гуноҳкорларни гуноҳлари миқдорига қараб азоблайдилар, кейин дўзахдан чиқариб, жаннатга йўллайдилар ва улар жаннатда абадий турадилар. Буларнинг ҳаммаси шариат аҳлининг зоҳирбинларнинг, (яъни ортодоксал дин вакиллари) фикрларидир.

Умуман олганда Азизиддин Насафий қарашларида руҳий поклик, ростгўйлик, ҳалоллик, Аллоҳга муҳаббат, саҳоватлилик, қарамлилик, савоб ва гуноҳ тушунчалари инсон руҳий эволюцияси нуқтайи назаридан тушунтирилади. Насафий қарашларида муҳокама этилган ихтиёр эркинлиги ва тақдир масалалари ҳам марказий ахлоқий тушунчалардан саналади. Буларнинг барчаси инсон руҳий эволюцияси тушунчаси орқали ёритилиб ўтилади. Энг муҳими Азизиддин Насафийнинг ушбу қарашлари кўпёқлама комплекс системали характерга эга. Унда юқорида келтирилган мавзулар юзасидан баҳс юритган тоифаларнинг барчасини қамраб олига уринилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, мазкур бобни қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Биринчидан, Азизиддин Насафийнинг тасаввуфий қарашлари кўплб тасаввуфий таълимотлар қатори шариат-ахлоққа асосланади.

Иккинчидан, Азизиддин Насафийнинг тасаввуфий қарашларидаги руҳ иерарҳияси ва эволюцияси инсон руҳий ва ахлоқий камолотини ифодалайди. Чунки ҳар бир руҳ даражаси бир-биридан ахлоқий юксаклик билан фарқланади.

Учинчидан, Насафий ўз тасаввуфий қарашларида ақл ва ахлоқни инсоннинг бошқа мавжудодлардан ажратиб турувчи ўзига хос хусусияти сифатида талқин этади.

Тўртинчидан, ихтиёр эркинлиги тушунчаси Насафий томонидан руҳнинг ўз даражасидан юқорироқ даражаларга кўтарилиш имконияти сифатида тушунтирилган.

Бешинчидан, юқоридаги фикрни исботлаш учун шариат, ҳикмат ва ваҳдат аҳлининг фикрларини қиёсий тарзда келтиради. Энг тўғри йўл ваҳдат аҳлининг йўли эканлигига алоҳида урғу беради. Ҳамда ихтиёр эркинлигининг асосий шарти сифатида ахлоқий покланишни кўрсатиб ўтади.

2-БОБ. АЗИЗИДДИН НАСАФИЙ АҲЛОҚ ФАЛСАФАСИДА КОМИЛ ИНСОН КОНЦЕНЦИЯСИ.

2.1. Азизиддин Насафий комил инсон концепциясининг ахлоқий аспектлари

Тасаввуф – инсон камолоти, ахлоқий покланиш ҳақидаги илмдир. Бу тушунча комил инсон концепциясида аниқ кўзга ташланади. Инсон учун қайғуриш, унинг маънавий камолотини ўйлаш тасаввуфнинг доимий ўзак масаласи бўлиб келган. Айниқса, инсоннинг ботиний олами, ички зиддиятлари, руҳ ва жисм орасидаги кураш сўфийларни кўп қизиқтирган. Улар инсонда азалий икки қарама-қарши куч-рахмоний ва шайтоний қувватлар борлигини, инсон Аллоҳнинг бандаси сифатида шайтон қутқусини енгиб, раҳмоний фазилатларга эга бўлиши лозимлигини таъкидлайдилар. Азизиддин Насафий ҳам ўзининг “Зубдат ул ҳақойиқ” асарида бу масалага алоҳида эътибор қаратади. Холиқият (яратувчи) олами, амр (буюрувчи, ирода) олами, мулк (материя, модда) ва малакут (фаришалар) олами, жисм олами ва руҳ (жон) олами, ҳислар олами ва шуур (ақл, фикр) олами, нур олами ва соя (зулмат) олами ва ҳ.к. бироқ Насафий бу масалага нисбатан кенгроқ – космос даражасида ёндошади. Бу номлар ҳар икки олам - олами ғайб ва олами шуҳудга ишорадир.

Инсоннинг ҳаётдаги ўрни, жамият бўлиб яшаш тартибларига ҳам шу мавқедан туриб қаралган; чунончи, ижтимоий низолар, уруш-жанжаллар, мулкий тенгсизликнинг туб моҳияти, бош сабабини ҳам тасаввуф инсон табиати ва сийратидан қидиради, инсоннинг ахлоқини тузатишни унинг табиатидаги салбий, ҳайвоний кучларни мавҳ этишдан бошлаш керак, деб тушунтиради. Тасаввуфчилар инсон табиатидаги салбий кучларни умумий ном билан «нафс» ёки «нафси аммора» деб атадилар ва унга қарши уруш эълон қилдилар. Мол-дунё тўплаш, нафс эҳтиёжига қараб юриш, ҳирсу ҳавас қатъий қораланди, инсонни (демакки, инсониятни ҳам) ноқислик ва

фалокатлардан кутқаришнинг бирдан-бир тўғри йўли – нафсни ўлдириб, қаноат билан ҳалол яшаш, руҳ – иродани чиниқтира бориб, инсонда инсонийликни, яъни илоҳийликни тантана эттириш зарур, деб тарғиб қилинади. Азизиддин Насафий келтириб ўтган комиллик босқичлари айнан руҳ мукаммалиги билан белгиланади. Жамиятдаги турли табақалар ва зиддиятларни вужудга келиши нафс даражалари бир ҳил эмаслиги билан тушунтирилади. Ижтимоий – ахлоқий тартиботни юзага келтиришнинг бош омили сифатида ахлоқ кўрсатилиб ўтилади.¹ Юқоридаги иқтибосдан инсон руҳий камолоти бирламчи шарти ахлоқ эканлиги аён бўлмоқда, жамият эса ахлоқий тартиботга асосланган бўлиши учун унинг аъзолари ахлоқан етук бўлмоғи зарур. Шу маънода Насафий жамиятдаги ижтимоий тартибсизликлар, зиддиятлар, тенгсизликларнинг бош сабаби сифатида нафс номукаммалигига урғу беради.

Ушбу фикрлар улуғ шайхларнинг «тасаввуф» тушунчасига берган таъриф-изоҳларида аниқ ифодаланган.

Нафс худбинликни, ўзим бўлай фалсафасини туғдиради. Нафс домига тушгандан кейин, киши ҳеч нарсадан тап тортмайди, харом-харишдан ҳазар қилмай, бошқалар ҳисобига бўлса ҳам яхши яшашни ўйлайди. Оқибатда у золим, бераҳм риёкор бўлиб қолади. Шунинг учун тасаввуф талаб этган тийилиш, қаноат, сабру фақирлик тариқатда гап кўп. «Дунёга бир марта келасан, оладиганингни олиб қол», - илгаридан маълум фалсафа бу. Коммунистлар буни: «Мен инсонман, демак менга ҳамма нарса раво» деб ўзгартирадilar, аммо мақсад ўша: иложини топгин-да, яхши яша, бошқалар билан ишинг бўлмасин. «Ҳамма нарса раво» фалсафаси одамни иймону эътиқоддан айириб, юлғичлик ва талон-тарожга фатво беради, ваҳшийлик инстинктини кучайтиради.

Комил инсон – бир идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи Мутлоқ руҳга туташ, файзу кароматдан сероб, сурати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зот, Навоий тили билан

¹ Насафий Азизиддин. Зубдат ул-хақойиқ. -Тошкент: Камалак, 1996. – Б. 7-8.

айтганда:

Фонийвашеки, ҳам сўзидур пок, ҳам ўзи.

Хуш давлат ул кишигаки, тушгай анинг кўзи.

Насафий тасвирлаган – Комил Инсон тушунчаси аслида халқ идеали, ахлоқ фалсафаси идеали эди. Бу ҳаётбахш таълимотнинг пешволари ёзиб қолдирган асарлар, сўфиёна руҳдаги шеър дostonларни мутолаа қилар эканмиз, ёруғликнинг зулмга, хайрнинг шаррга, файзу камолнинг нуксу ноқислик, калтафаҳмлик ва нодонликка қарши омонсиз жангига гувоҳ бўламиз. Насафийнинг комил инсон идеали зулм ва қоронғулик лашкарига қарши маърифатни қурол қилиб олиб жангга кирган паҳлавонларга ўхшаб кетадилар. Улар Каъба деб кўнгилни тан оладилар, кўнгил раъйига юрадиган, дунёни кўнгил орқали биладиган ва кўнгилга сиғинадиган одам Аллоҳнинг севгани деб ҳисоблайди. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асаридан: «Исмоил Даббос дедиким, ҳаж нияти қилиб, борурда Шерозга етишдим. Бир масжидга кирдим. Шайх Мўминни кўрдимки, ўлтуриб хирқасини ямайдур эрди, салом қилдим ва ўлтурдим. Мендан сўрдиким, не ниятинг бор? Дедим: ҳаж ниятим бор. Деди: онанг бор? Дедим: бор. Деди: ёниб онанг мулозаматига бор... Мен эллик ҳаж қилибмен – бош яланг, оёқ яланг ва зоду ҳамроҳсиз. Барчасин сенга бердим, сен онанг кўнгли шодлигин менга бер!»¹

Бу одамлар – жамиятнинг тирик виждони эдилар. Кишилар уларга қараб ҳушёр тортар, дунё беҳудлигидан ўзига келиб, ўз қалбига, қилаётган ишларига разм солардилар, тавба-тазарруъ қилардилар. Уларнинг афъолу аъмоли инсонлар дилига қувват, кўзига нур бағишлаган.

Комил инсон тасаввуф фалсафасида кўп марта тилга олиниб, мунозараларга сабаб бўлган ва бу ҳақда махсус китоблар ёзилган. Шулардан Саййид Абдулкарим Гелоний Нажмиддин Кубро ,Юсуф Ҳамадонийларнинг

¹ Комилов Нажмиддин. Тасаввуф. - Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 130 б.

рисолаларини махсус тилга олиб ўтиш мумкин. Аслида эса комил инсон тушунчаси биринчи марта Шайхи Кабир номи билан машҳур бўлган Муҳйиддин Ибн Арабий (1165–1240) томонидан муомалага киритилганини қайд этмоқ жоиз. Ибн Арабий наздида комил инсон – бу ақли аввал ёки нафси аввал, ақли кулл тушунчалари билан маънодошдир. Чунки Тангри таоло илоҳий нурдан илк марта Ақли аввални яратди ва унинг сурату шакли Комил Инсон қиёфасида зухур этди. Шунинг учун «Халақоллоҳу адама алаъ суратар Раҳману» (Аллоҳ одамни Раҳмон суратида яратди) деган ҳадис мавжуд. Комил инсон, шу тариқа, Аллоҳнинг Раҳмону Раҳим сифатларига эга бўлди, дейдилар¹.

Ибн Арабийнинг фикрича, комил инсоннинг ердаги тимсоли ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алаҳи васалламдир. Ул зот вужудида ақлий, руҳий камолот, дунёвий ва илоҳий билимлар жамулжам эди. Пайғамбаримиз халқ ва Ҳақ муқобилида турардилар ва орада восита эдилар. Шундай бўлгач, ҳамма одамларни ҳам ва ҳатто анбиё ва авлиёларни, донишмандларни комил инсон деб аташ жоиз эмас. Ва агар Пайғамбардан ўзга зотларга нисбатан бу сифат айтилар экан, буни шартли таъриф ёнки шу улуғ мартабага ҳурмат-эҳтиром белгиси сифатида қабул қилиш керак. Саййид Абдулкарим Гелоний фикрига кўра, ҳар бир инсон иккинчисининг ўрнини босадиган нусхадир ва бир-бирининг қаршисида турган кўзгу кабидир. Битта одамдаги хислат ва сифат иккинчисида акс этиб туради. Аммо фарқи шундаки, бу аксланиш баъзиларда феъл-ҳаракат бўйича бўлса, баъзиларида эса қувва, яъни хислат-хусусиятлар билан намоён бўлади. Демак, истеъдод ва қобилият, хусусият ва сифатига кўра, бир-бирига ўхшаш одамлар беҳад кўп. Буларни умумий ном билан халқ, одамлар, кишилар деб қўя қоламиз. Бирига қараб иккинчисининг хулқу атвори, даражасига баҳо бера оламиз. Аммо шундай комил ва акмал кишилар борки, улар камолотда нафақат ўзга одамлардан, балки бир-биридан ҳам кескин фарқланиб турадилар. Буларни анбиё ва авлиё деб атаймиз. Буларнинг ҳам даражалари бор: баъзилари комил, баъзилари

¹ Саййид Содик Гуҳарин. Шарҳи истилоҳоти тасаввуф. 1-жилд. – 125 б.

акмал, бир қисми фозил, яна бир қисми афзал, яна бир гуруҳи эса афзалу акмалдирлар. Саййид Абдулкарим Гелоний мазкур таснифни айтиб, яна кўшиб қўяди: «Комил инсон, воқеан, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламдир ва қолган анбиёю авлиёнинг камолоти унга нисбатандир, худди фозилнинг афзалга нисбатидай»¹.

Шайх Омилий дейдиким, ҳақгўй олимларнинг фикрига қараганда, олам Комил инсон ҳақиқати туфайли барқарордир, зеро фалаклар унинг нафаси билан айланурлар, мулку малакут ундан таълим олурулар. Шундай мартабада Комил инсонни Ҳақнинг кўзгуси дейдилар. Ҳақ таоло Ўз исми ва сифатларини фақат комил инсонда кўради. Шунини ҳам таъкидлайдиларки, комил инсонгина Ҳақ қудратининг буюклиги, чексизлигига гувоҳ бўла олади.

Ибн Арабий, Шайх Омилий ва Абдулкарим Гелоний қарашларига диққат қилинса, Комил инсон бир кайҳоний вужуд бўлиб кўринади, унинг сифатлари ердаги фоний одамлар сифатига, аниқ шахслар хислатига ўхшамайди. Унда биз жамики ғайритабиий кучларнинг мажмуини мушоҳада этгандай бўламиз. Бу ерда албатта жисмоний куч ҳақида гап бормайди, зотан илоҳиёт ҳақида гап борганда жисмоний куч эътибор эмас. Чунки Холиқият яратган жисмлар илоҳий қудрат олдида арзимас ва ожиз суратлардир. Комил инсон булар назарида оламларни эгаллаган, оламларга, барча жонзотлар ва инсонларга таъсир эта оладиган, инсониятни бошқарадиган бир Буюк руҳдир. Маънавий – Ақлий қудратдир.

Аммо Шайх Азизиддин Насафийнинг рисоаларида комил инсон масаласи бир мунча бошқача ёритилган. Унда бу тушунча инсоннинг пайдо бўлиши, тараққиёти, мартабалар топиши билан боғлиқ ҳолда олиб қаралади. Натижада биз Азизиддин таърифларида айнан ҳаётий одамга хос белгилар, ахлоқий сифатларни ҳам кўрамиз. Яна шунини ҳам айтиш керакки, Насафий исломдаги бир нечта илмнинг инсонга бўлган қарашлари ва муносабатини чоғиштиради, инсонни кайҳоний вужуд сифатида ҳам, ер махлуқоти сифатида

¹ Комилов Нажмиддин. Тасаввуф. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 136 б.

хам таҳқиқ ва тадқиқ этади. Насафийда комил инсон руҳ тушунчаси билан зич алоқада текширилади. Инсон мартабалари руҳ мартабалари сифатида олиб каралади. Шу учун умумий тушунчалардан аниқ тушунчаларга ўтиб туриш бор. Бунинг сабабларидан яна бири Азизиддин Насафийнинг камолотни уруж (қўтарилиш) ва нузул (тушиш) назарияси асосида тушунишидир. Бу назария ўз навбатида улуғ олам ва кичик олам тушунчалари билан боғланиб кетади. Чунки Насафий Ибн Арабийга қўшилиб, инсонни олами сағир (кичик олам), илоҳий олам ва моддий оламини биргаликда олами кабир (улуғ олам) деб атайди. - Улуғ оламдаги жамики нарса ва хусусиятлар кичик оламда мавжуд, дейди у. Шу тариқа инсон юқори олам-олами кабирнинг кичрайтирилган нусхаси бўлиб ҳисобланади.

Азизиддин Насафий комил инсонга таъриф бериб ёзади: «Билгилки, Комил инсон деб шариат ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф».

Насафий санаган сифатларнинг дастлабки учтаси, яъни яхши сўз, яхши феъл, яхши хулқ Зардушт китоби «Авесто»дан олингандир («Гуфтори нек, кирдори нек, рафтори нек»)¹. Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, риё ва бадкирдорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан эзгу ишларга тайёр туради. Азизиддин Насафий яхши ахлоқ ҳақидаги Зардушт сўзи ёнига «маориф», яъни тасаввуфий покланиш талабини қўшиб қўйган. Унинг фикрича, тариқат йўлига кирган солиқлар вазифа-мақсади ушбу тўрт фазилатни эгаллашдир. Кимки «ўзида шу сифатларни камол топтирса, у камолга эришади».

Насафийнинг мазкур таърифидан иккита хулоса келиб чиқади. Бири шуки, олим назарида комил инсон ҳаётдан ташқари бўлган аллақандай мавҳум зот эмас, балки реал одамдир. Яхши сифатларни эгаллаб борган одам

¹ Комилов Нажмиддин. Тасаввуф. -Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 137 б.

шундай мартабага кўтарила олади. Иккинчи хулоса шуки, Насафийга кўра, комил инсон мартабаси тариқат ва риёзат йўли билан қўлга кирадиган юксак мартабадир.

Азизиддин Насафийнинг Комил инсон концепцияси ҳақидаги юқорида баён этилган фикрларни ўзаро жамласак, қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

- Комил инсон – инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва энг доноси.

- Комил инсон Илоҳ билан одамлар орасидаги воситачи, илоҳий амр, ғайб асрорини оддий одамларга етказувчи улўғ ҳомийдир.

- Комил инсон мартабада Ақли кулл (Ақли аввал)га тенг. Аллоҳ аввал Ақли куллни, яъни Комил инсонни яратди, кейин у туфайли бошқа махлуқотлар яратилди.

- Комил инсон руҳи азалдан маълум, у Тангри таоло яратган энг қудратли руҳдир.

- Комил инсон шу сифатлари билан мутлоқ илоҳий хислатларни жамлаган кайҳоний мавжудликдир, у агар оддий инсон суратида кўринса ҳам, лекин маънан коинотни қамраб олган ҳамиша бедор ва ҳамма нарсадан хабардор бир зотдир.

- Шу мартабада у Аллоҳнинг халифаси бўла олади.

- Комил инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган мўътабар зотдир. У азалдан мартабаси аниқ бўлган руҳ эмас, балки ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида камолга эришгандир.

- Шу учун ҳар бир пок ахлоқли, илоҳсевар шахс комилликка интилиши ва бу йўлда насиба олиши мумкин.

- Комилликнинг олий белгиси Ҳақ йўлидан бориб халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга нафъ келтирса, ёмонларни туз йўлга солса, Ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комилдир.

Ушбу қарашлар гарчи бир-бирига зид бўлиб туюлса-да аслида

моҳиятига кўра бир-бирига яқиндир. Яъни бу ерда инсоннинг камолоти, буюклигини тан олиш, инсон ва Коинот, инсон ва Илоҳ, инсон ва Мавжудотни ўзаро вобаста, алоқадор деб ҳисоблаш бор. Қарашлар орасидаги фарқ эса шундан иборатки, аҳли шариат тушунчасига кўра, инсоннинг қобилияти ва майллари азалдан маълум, яъни Аллоҳ таоло тақдири азалдан белгилаб қўйган. Пайғамбарлар, авлиёлар, донишмандлар руҳи бошиданок юқори оламда маълум эди, бу руҳларнинг мартабалари аввалдан белгиланган эди, дейди шариат аҳли.

Аммо ҳикмат аҳли (файласуфлар) ва тасавуф аҳли фикрига кўра, инсонга фаолият учун инон-ихтиёр берилган, у ҳаракат қилиб, комиллик касб этиши, ниятларига етиши мумкин. Шайх Азизиддин Насафий «Зубдатул ҳақойиқ» (Ҳақиқатлар қаймоғи) номли рисоласида ёзади: «Одамларнинг сўзлари ва фаолияти учун олдиндан белгиланган ўлчовлар йўқ. Билим ва бойликка эга бўлиш одамнинг сайъ-ҳаракатига боғлиқ: одам қанча кўп ғайрат қилса, шунча билми ва мол-мулки ортади»¹.

Азизиддин Насафий камолотнинг белгиси сифатида икки нарсани асос қилиб олган. Бунинг бири – ҳамида ахлоқ бўлса, иккинчиси – ўз-ўзини таниш. Шу икки асоснинг бор ёки йўқлигига қараб у одамларни уч қисмга ажратган. Биринчиси, ҳамида ахлоқий хислатлар билан безанмаган ва ўз-ўзини танимаган одамлар. Иккинчи, ҳамида ахлоқий хислатлар билан безанган, аммо ўз-ўзини танимаган одамлар. Учинчиси, ҳамида ахлоқий сифатлар билан безанган ва ўз-ўзини таниган одамлар. Олимнинг назарида ана шу кейинги – учинчи тоифа одамлар комил инсонлардир: «Бинобарин, инсоннинг камолотга эришиши ҳамида ахлоққа эга бўлиш ва ўз-ўзини таниш билан амалга ошади».

Шу тариқа, комил инсоннинг ўзига хос **ахлоқ кодекси** ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одамнинг орзу-армони деб қаралган. Бундан яна шу ҳам маълум бўладики, ўрта асарлардаги яхши ахлоқ, комил инсон ҳақидаги тушунчалар нисбий хусусиятга эга – бир томондан, жами руҳий-маънавий қудрат, ақлу заковат, яхши сифатларнинг жамулжами

¹ Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойиқ. –Тошкент: Камалак, 1995. - 42–б.

хисобланган мавҳум бир зот тушунчаси, иккинчи томондан шу чўққига интилиб, муайян матарабаларга эришган киши ҳам комил инсон деб хисобланган. Аммо масала қандай қўйилишидан қатъий назар, комил инсон ҳақидаги ғоялар катта ижтимоий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлади, инсонни шарафли, эзгулик ва Буюк Хайр руҳида тарбиялаш, меҳру муҳаббат, вафо ва садоқатни кучайтиришга хизмат қилди. Ҳар замон, ҳар лаҳза инсонларга уларнинг инсонлигини эслатиб, ёвуз, қабих ишлар, ножўя қилиқлардан сақланишга кўмаклашади, иймон ва виждон биносининг пойдор бўлишини таъминлайди.

Азизиддин Насафий наздидаги комил инсон, энг аввало, юксак ахлоқ эгаси; унинг ердаги вазифаси ҳалоллик ва ростгўйликни қарор топтириш, ёмон расму русумларни йўқотиб, яхши, эзгуликка бошлайдиган қонун-қоидаларни жорий этиш, одамларни Худога томон даъват қилиш. Бу даражага етишиш учун эса инсон ўзини англаб етиши керак. Зеро, алломанинг фикрича, ўзини англамаган киши ҳеч нарсани англамай дунёдан ўтади.

Хўш, инсон ўзини тўла англаши мумкинми? Мумкин. Бунинг учун у тўрт мақомни босиб ўтиши керак: хайрли сўз, хайрли иш, хайрли хулқ, маърифат. Мазкур мақомларга эришиш осон эмас; бутун борлиғи билан берилиб ҳаракат қилгандагина, ўзини унутиб, ўзлигига эришганда-гина инсон уларга муяссар бўлади. Бу ҳолни мутасаввуф - файласуф шундай образли шаклда ифодалайди: «Бирида ўлмаган одам, иккинчисиде туғилмайди. Ҳордиқни истасанг - ишда ўлгин, Худони истасанг - ўзингда ўлгин. Ўз ишингда ўлолмасанг, ҳордиқни излама, ўзингда ўлолмасанг, Худони излама». Лекин мақсад «Худони излаш бўлмаслиги керак, чунки Худо ҳамма ерда мавжуддир ва уни излашнинг ҳожати йўқ. Борлиқнинг вужуди - Ундан... бутун борлиқ Унинг ўзидир». Шу сабабли инсон юқоридаги тўрт мартабани четдан излаши керак эмас, улар инсоннинг ўзида

мавжуд: «...сенда аввал бошдаги ва охирдаги илму маърифат яширинган, нимаики изласанг, ўзингдан изла, нега ташқаридан қидирасан?»¹.

Демак, комилликка инсон қадам-бақадам етишиб боради, лекин бу даражалар мутлақ динийликни тақозо қилмайди, балки дунёвий ҳаётда ҳам пок бўлишни талаб этади. Азизиддин Насафий буни шундай ифодалайди: «Эй дарвеш, ифротий (ҳаддан ошиқ) рўза ва намозга берилиб, кетма-кет хажга борма, буюрилган фарзни адо этиш билан чеклан», - деб ёзади.² Хўш, қолган умрни нимага бағишлаш керак, деган савол туғилади. Файласуф-шайх бунга шундай деб жавоб беради: «...шундай йўл тутгинки, қалбинг саховат ва ҳикматга тўлган бўлсин, эзгулик соҳиби бўлгин... қалбинг ҳақгўйлик (ростлик) ва эзгулик билан безансин, токи инсон деган улуғ номга муносиб бўлсанг дўзах азобларидан қутуласан... Сенинг ҳақиқатинг (моҳиятинг) тўғрилиқ ва хайрли ишлар ижод қилиш бўлсин»³.

Шундай қилиб, Шайх Азизиддиннинг таърифига кўра, комиллик - инсон деган улуғ номга муносиблиқ, Аллоҳ инсониятни ана шу комил инсонлар борлиги учун яратган, одамлар орасида комил инсонлар борлиги учун жами мавжудот одамзодга сажда қилади, мавжудотлар ичида комил инсондан улуғроқ, донороқ ва олийроқ нарса йўқ; одамлар коинотнинг қаймоғи, хулосаси бўлсалар, комил инсон одамларнинг қаймоғи ва хулосасидир, комил инсон оламнинг сири, оламнинг қутби, у - оламнинг баҳри муҳити - денгизи⁴.

Комил инсонга Яратган томонидан кўрсатилган бунчалик ҳурмат-эътиборнинг, олий эҳтиромнинг боиси, унинг ҳам илоҳий, ҳам дунёвий такомилга эришгани учундир, чунки у «ҳеч кимга хизматини дариг тутмайди, тили, қўли, моли билан ўзгалар ёрдамига шошилади... зеро қалб камолотига эришиб, жаннатий одам нимаики қилмасин, унинг дунё ва охирати кенгаяди»⁵. Демак, комил инсонлар Аллоҳнинг суюқ бандалари, чунки улар

¹ Азизиддин Насафий. Зубдат ул-хақойиқ. –Тошкент: Камалак, 1995. – Б. 53-54.

² Шу манба: 54 б.

³ Шу манба: -Б. 54 -55.

⁴ Шу манба: -Б. 148 – 149.

⁵ Шу манба: 55 б.

Яратганнинг асл мақсадини рўёбга чиқариш учун бунёд бўлганлар: бу юксак ахлоқ эгаларининг ҳар икки дунё учун буюк хизматлари жаннатни кенгайтириш ва дўзахни торайтиришдан иборат. Шу боис улар коинотнинг сарвари, барча борлиқ улар учун яратилган.

Умуман олганда, Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепцияси моҳиятидан келиб чиқиб, шундай дейиш мумкин: бу таълимот Худога - мутлақ фазилатлар Эгасига, мутлақ комил Зотга етишиш йўлида инсоннинг нисбий комилликка эриша бориши ғоясини илгари суради. Бу ғоя инсоннинг Яратган олдидаги қўрқувини муҳаббатга айлантириш, ҳамда, шу орқали жамиятда маънавий ахлоқий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

2.2 Азизиддин Насафий комил инсон концепциясининг замонавий аҳамияти

Комил инсон — миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири. Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепцияси эса шу назарий фалсафий асоснинг ажралмас қисми ҳисобланади. Комил инсон ғояси ва уни амалга оширишга бўлган интилишлар инсоният цивилизациясининг маъно-мазмунини ташкил қилади.

Тарихга назар ташласак, ҳар қандай жамиятда комилликнинг энг асосий кўрсаткичи инсоннинг эзгуликка, ижтимоий бахт-саодатга, гуманистик ғояларга муносабатида ҳамда уларга асосланган амалий фаолиятида намоён бўлади. Яъни, жамиятнинг умумий ривожига, инсоният цивилизациясига ижобий таъсир кўрсатувчи комиллик мезони инсонни, шахсни баркамол қилиш орқали жамиятни бахтли, саодатли қилишдан иборат бўлиб келган.

Инсондаги комиллик, энг аввало, унинг фикр, тафаккур ва амалий фаолият эркинлигини англашидадир, “У табиатгамувофиқ ўсимлик даражасида, ҳаракат (ирода)га мувофиқ ҳайвон даражаси-да, ақлга мувофиқ инсон

даражасида зухур этади¹” шу маънода, буюк юнон файласуфи Суқротнинг: “Ўз-ўзингни бил”, деган даъвати ҳам инсоннинг ўз насл-насабини, ҳаёт мазмунини, кишининг келажак авлодлар олдидаги масъулият ва мажбуриятини англашга қаратилган чақириқдир. Ёхуд Азизиддин Насафийнинг «Бирида ўлмаган одам, иккинчисида туғилмайди. Ҳордиқни истасанг - ишда ўлгин, Худони истасанг - ўзингда ўлгин. Ўз ишингда ўлолмасанг, хордиқни излама, ўзингда ўлолмасанг, Худони излама»² сўзлари ҳам бевосита ўзликни англашга қаратилган бўлиб ҳисобланади. Насафий комил инсон концепциясининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, у фалсафий ахлоқий ғоялар билан биргаликда ўзининг онтологик асосига ҳам эга. Бу эса миллий ғоямиздаги комил инсон концепцияси учун фундаментал назарий асос вазифасини ўтайди. Ундан ташқари ўзликни билиш деганда инсон ким? У нималардан ташкил топган? Ким томонидан, нима учун яратилган? каби саволларга жавоб беради. Азизиддин Насафий ўзининг комил инсон концепциясида инсон ва оламнинг яралиш сабаб ва мақсадларини батафсил ёритиб беради. Ушбу эталонни миллий ўзликни англаш маносида қўлланилса, бу масала фалсафий жиҳатдан мустаҳкам назарий асосга эга бўлиши мумкин.

Насафийнинг комил инсон ғоясини миллий истиқлол ғоясидан ажратиб бўлмайди. Бошқача айтганда, комил инсоннинг моҳияти, аввало жамиятни баркамол қилиш йўлидаги сайъи ҳаракатларда намоён бўлади.

Насафийнинг комил инсон ва жамият муносабатларида ўзаро боғлиқ бўлган икки жараёни кўриш мумкин. Биринчиси – комил инсоннинг жамият тараққиётига ижобий таъсир қилиши. Комил инсон ғоясининг мавжудлиги ва у билан боғлиқ амалиёт жамият ривожланиш даражасини белгилайдиган мезон сифатида намоён бўлади. Зеро, биз ҳар қандай жамиятни унда яшаётган кишиларнинг хатти-ҳаракатларига қараб баҳолаймиз. Иккинчиси – жамиятнинг характери унинг комил инсонни тарбиялаш борасидаги

¹ Насафий Азизиддин. Зубдат ул-ҳақойиқ. - Тошкент: Камалак, 1996.

² Шу асар: - 42 б.

имкониятларида, унга бўлган муносабатида намоён бўлади. Яъни, эркинлик, мустақиллик комил инсон ғоясини амалга ошириш учун тегишли шарт-шароит яратади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда комил инсонни тарбиялаш учун ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-ташкилий вазифалар давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши этиб белгиланган. Зеро, баркамол авлод келажаги учун қайғурмаган халқ, миллат ва давлатнинг истиқболи бўлмайди.

Азизиддин Насафийнинг комил инсон ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний мукамалликни ўзида мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоя сифатида талқин этиш мумкин.

Ўзбекистон ўз истиқлолига эришганидан сўнг жамият маънавий ҳаётини соғломлаштириш ва ривожлантириш, инсон омилига катта эътибор бериш мамлакатимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири сифатида кун тартибига қўйилиши ҳам мозийнинг кўп асрлик сабоқларига, жамият олдида кўндаланг турган янги вазифаларни ҳал этишга оқилона ёндашишнинг кўринишидир. Айниқса Азизиддин Насафийнинг ўзлик англаш борасидаги фикрлари бугунги кунда янада долзарб аҳамият касб этади. Ўзликни англашда биринчи шарт сифатида руҳнинг юксалиши назарда тутилади. Насафийга кўра, жамиятда руҳий даражалари ўзаро мувофиқ кишилар кўпайса ижтимоий-ахлоқий барқарорликни юзага келтиради. Натижада, ахлоқий-ҳуқуқий қонунларга онгли тарзда амал қилувчи кишилардан иборат фуқаролик жамиятини шакллантиришга замин яратилади. Бугунги кунда рўй бераётган кўплаб, глобал ижтимоий ижтимоий-маънавий инқирозлар Насафий комил инсон концепциясида назарда тутилган руҳ даражаларини ўзаро номутаносиблиги маҳсули ўларок юзага келмоқда. Насафийнинг комил инсон концепцияси худбинликни бартараф этишга қаратилган ҳисобланади. Комилликдан мақсад фақатгина Оллоҳ жамолига эришишгина эмас балки, авом халқ орасига қайтиб уларни ҳам комилликка ундашни назарда тутати. Ундан кўринадики Насафийнинг

комил инсон идеали ўзининг индивидуал камолоти эмас, халқ маънавий фаравонлигини мақсад қилиб олган. Миллий ўзликни англаш жамиятимиз ҳаётида рўй берган маънавий ўзгаришларнинг асосидир. Миллий ўзликни англаш ҳам шахснинг, халқнинг маънавий камолоти билан боғлиқ. Миллий ўзлигини, ўз манфаатларини, ўз мамлакати тараққиёти истиқболини чуқур, холисона англаган инсон ва халқгина кенг ривожланиш имкониятларига эга бўла олишини тарих сабоқлари ҳар доим исботлаб келган.

Комил инсон ғояси нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат соҳасида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ ва миллат таназзулга маҳкум. Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепцияси кучли давлатдан кучли жамият сари ғоясини реал воқъеликка яқинлаштиришда ҳам муҳим ўрин тутди. Чунки ўз руҳини руҳ ирарҳияси бўйлаб ахлоқан тараққий эттирган кишилардан ташкил топган жамиятда мажбурлаш аппаратига зарурат камироқ сезилади. Бундай шахслар ахлоқан етук шахслар бўлиб жамиятда қонун устуворлиги табиий равишда амал қилади. Умуман комил инсон концепциясидан, хусусан, Насафийнинг бу борадаги ёндошувидан фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Жамият тараққиётидаги юксалишлар, тараққиёт имкониятлари, комил инсон шахсининг шаклланиши муайян маънавий муҳит ва имкониятлар билан боғлиқ бўлган. Кўп жиҳатдан ижтимоий турғунлик ҳолатлари, иқтисодий, сиёсий инқирозлар маънавий бухроннинг натижаси тарзида намоён бўлади. Шунинг учун жамият тараққиётидаги тушкунликлар ва юксалиш сабабини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий омиллар билан бир қаторда кишилар онги, эътиқоди, дунёқараши, комиллик даражасидан ҳам излаш керак. Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепциясида марказий ўрин эгалловчи руҳ ирарҳиясида эътиқод масаласи айтилган жараёнда муҳим амалий

аҳамиятга эга. Бу ирарҳияда эътиқод ахлоқ билан доминанталанган бўлиб эътиқоднинг юксалиши аввало, ахлоқ юксалишини англатади.

Миллий ғоямизнинг асосий мақсадларидан бири – ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашдан иборат. Комил инсон эса, бу – озод шахс, эркин фикр этувчи, ўз халқининг идеаллари учун курашувчи инсон, ўз Ватанига ҳалол хизмат қилувчи кишидир. Бу борада мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «Бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз – инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир. Бу нарса, айниқса ёш авлодга тегишли».¹

Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепцияси – меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, виждон, ор-номус, ирода, тадбиркорлик, матонат каби кўплаб асл инсоний хислат ва фазилатлар асосига қурилган.

Тарихга назар ташласак, буюк шахсларнинг фаолияти моҳир ташкилотчилик, теран билимлилик билангина эмас, балки уларнинг ахлоқи ва одоби билан ҳам юксак маъно-мазмун касб этган. Одоблилик бошқаларнигина эмас, ўзини ҳам ҳурмат қилиш деганидир. Айниқса, бизнинг миллий анъаналаримизга кўра, инсоннинг комиллиги, аввало, унинг ахлоқий етуқлигида, аجدодлар меросини чуқур ўрганиб, уни бойитиш, катта-кичикка эҳтиром кўрсатиш борасидаги ҳаракатларида кўзга кўринади. Комиллик даражасини ҳар ким ўзича белгилай олмайди. Комиллик ҳар бир шахснинг ўзидан кўра бошқаларга яхшироқ маълум бўлади. Комил инсон – қулик, мутелик, боқимандаликдан батамом халос бўлган инсон. Чунки инсон бировга қулдек эргашса, демак ижтимоий жиҳатдан у ҳеч нарсага эришмаган бўлади. Комил инсон ўз маслағи, Ватани, халқи манфаатларига ёт, зарарли ғояларни таркатаётган кимсалар ортидан кўр-кўрона эргашиб кетавермайди, огоҳ ва фаол бўлади. Азизиддин Насафийнинг комил инсон тўғрисидаги қарашлари юқоридаги фикрларнинг ўзига хос синтези сифатида намоён

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент, Ўзбекистон, 1999. – 112 б.

бўлади. Негаки, ўзининг “Зубдат ул ҳақойиқ”асарида Насафий комил инсон тўғрисидаги уламолар файласуфлар қарашларининг қиёсий таҳлилини келтиради.

Халқимизнинг кадим-кадимдан ажойиб одатлари, ўғитлари бор, юртга муҳаббат, Она ва Ватанни саждагоҳ каби муқаддас билиш, ёлғон гапирмаслик, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик, каттани ҳурмат, кичикни иззат қилиш шулар жумласидандир. Булар халқимизнинг ҳаёти, турмуш тарзи, маънавияти ва менталитетига сингиб кетган. Бундай ўйлаб қаралса, аجدодларимизнинг ана шу талабларида жамият, инсон учун энг зарур фазилатлар айтиб ўтилгани аён бўлади. Оққан дарё оқаверади, деганларидек, эътиқоди мустаҳкам улуғ аجدодларнинг авлодлари бу хусусиятларни ўзида жамулжам қилган муносиб фарзандлар бўлиб етишадилар. Шунинг учун бизнинг Ватанимиз ёш авлодга, уни тарбиялашга бор куч-имкониятини сарфламоқда.

Тарихимизда комиллик тимсоллари кўп: Алпомиш – халқимизнинг идеал қаҳрамони, у – ақл , фаҳм-фаросат, жисмоний камолот, мардлик ва ватанпарварликнинг бадиий тимсоли. Ҳазрат Навоий учун идеал – Фарход образи. У ақлий ва жисмоний камолот эгаси Фарход. Накшбандийнинг «Дил ба ёру, даст ба қор» тамойилини ўзида мужассам этган шахс. Ойбекнинг «Навоий» романида эса Навоий – идеал образ. Айни пайтда у реал тарихий шахс, комил инсондир.

Бугунги кунда ижодкорлар зиммасига ёшларга ибрат бўладиган янги баркамол инсонлар, замонавий қаҳрамонлар тимсолини яратиш вазифасини юкламоқда. Мустақил Ватанимиз олий мақсад қилиб олган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни баркамол, эзгу ғояларни ҳаётий эътиқодига айлантирган етук инсонларгина бунёд эта олади.

Глобаллашув жараёнида “менинг миллатим”, “менинг халқим”, “менинг мамлакатим”, “менинг ватаним” каби тушунчаларга ўрин қолмайди. Шу маънода биз У.Саидовнинг¹ глобаллашув шароитида “оммавий

¹ Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. – Тошкент: Akademiya, 2008. – 75 б.

маданият” ниқоби остида аслида миллий қадриятлар тизимини ўзгартириш жараёни кетаётгани ҳақидаги фикрига қўшиламиз.

Зеро, чиндан ҳам ҳозирги давр Ғарб индивидуаллашув (худбинлашув, прагматик) маданияти асло ижобий ва умуминсоний маънавий қадрият эмас. Яъни, унинг “оммавий маданияти” пойдеворини умуминсоний эзгу қадриятлар эмас, балки “иқтисодий, сиёсий, ҳарбий қудратга эга бўлган, ўз таъсирини жаҳонга ўтказишга”¹ уринаётган айрим салбий кучларнинг манфаатлари ташкил этади.

Бу шароитда миллий ўзликни англаш миллатни миллат сифатида савлаб қолишнинг ягона имконияти саналади. Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепцияси бу йўлда муҳим ғоявий йўналтирувчи куч вазифасини ўтайди. Унинг комил инсон концепциясига кўра ўзликни англаш худбинлик, манфаатпарастлик, эгоизм каби иллатларни бартараф қилиш орқали амалга оширилади. Бунинг англаб етган шахс ва бундай шахслардан ташкил топган миллат глобаллашув ниқоби остида кириб келаётган нафсга куллик фалсафасини тезда пайқаб олиш мумкин.

Бу жараён аҳолининг онгини алдаб қўядиган оммавий ахборот воситалари ёрдамида амалга оширилади. Яъни, унга жаҳон иқтисодиётининг чиройли “пештахталари” (витриналари) кўз-кўз қилинади, метрополиялардаги гуллаб яшнаётган ҳаёт намоиши этилади, лекин уларнинг бойликлари қандай олиб чиқиб кетилаётгани кўрсатилмайди, албатта. Бунда халқаро молиявий ташкилотлар (корпорациялар) миллий давлатларга босим ўтказиб, уларни глобаллашув воситасига айлантиришга ҳаракат қилади. Насафий нуқтайи назаридан ёндошилса, бундай алдовларга руҳ ирарҳиясининг энг қуйи даражаларига мансуб бўлган кишиларгина эргашадилар. Глобаллашув кучсиз иқтисодиётларни метрополияларнинг криминал бизнес структураларининг киритилиши орқали инқирозга учратмоқда. Чунки унинг учун пул сифатга эга эмас, яъни пул тўғри ёки жиноий йўл билан топилишида фарқ йўқ. Шунинг учун бу тартибот

¹ Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 179 б.

наркотиклар, инсон органлари, одамларни қул қилиб сотиш каби жиноий ишларга кенг йўл очади. Бу йўлда транснационал компаниялар ўз миллатини ҳам аяб ўтирмайди, яъни уларнинг миллати ҳам йўқ. Ўз корхоналарини арзон ишчи кучи бор жойга кўчиракан, “ўз” мамлакати ишчиларининг ишсиз қолиши, қашшоқлашиши билан иши йўқ. Натижада метрополияларда ўрта синф қолмаяпти, аҳоли ўта бой ва ўта қашшоқларга ажралган. Демак, янги жаҳон тартиботида миллатлар, ижтимоий қатламлар ранг-баранглигига ўрин бўлмайди, фақат энг бойлар (замонавий қароқчи-босқинчилар) ва бутун дунё қашшоқ ерлилар (тузем омма) бўлади. “Олтин миллиард” концепцияси айти шундай манзаранинг назарий ифодасидир. Ўз ичига халоллик, ростгўйлик, сабр, қаноат, таваккул, таважжух тушунчаларини қамраб олувчи Насафийнинг комил инсон концепцияси кишилар эътиқодини шакллантиришда ҳамда жамиятда худбинлик, манфаатпарастлик, очкўзлик, бировнинг молига кўз олайтириш каби иллатларнинг амал қилиш доирасини кичрайтиришда зарурий воситалардан бири саналади. Насафийга кўра комил инсон нафақат ўзининг ҳаққа эришиши, балки халқнинг ҳам ушбу йўлда бўлмоғи хусусида қайғуради. Агар ушбу концепция умумжаҳон миқёсида тарғиб ва ташвиқ этилса, ўз миллатини ҳам тан олмайдиган “Олтин миллиард”чи кишилар назариясига қарши ғоявий кураш воситасини ўташи мумкин. Зеро, бундай кишилар руҳи Насафий таъбирича инсон руҳи даражаларининг бирортасига ҳам ҳос эмас. Улар руҳи ҳайвон поғонасидадар. Тасаввуфий истилоҳ билан айтганда бундай кишилар нафси аммора ҳукми остидадарлар. Кўплаб тасаввуфий таълимотлар қатори Насафий концепцияси ҳам инсон ҳаётидаги мана шундай абсурт ҳолатларга барҳам бериш учун ишлаб чиқилган саналади.

Юқорида зикр этилган салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун давлатимизда юксак маънавиятли баркамол шахс тарбияси масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор берилмоқда. Мухтарам Президентимиз И.Каримов ўзининг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида маънавият тушунчасининг бирламчи хусусияти сифатида руҳан покланиш ва қалбан

улғайиш тушунчаларини келтиради. Бундай алғов-далғов замонлардан маънан омон чиқиш учун рухнинг уружи талаб қилинади. Рух уружи (эволюцияси) улуғ бобокалонимиз Азизиддин Насафий тўғри таъкидлаганидек, нафснинг ахлоқий тарбиясига зарурият сезилади. Маънавият тушунчасининг яна бир қирраси сифатида виждон поклиги масаласи қўйилади. Виждон поклиги тушунчаси фалсафий фикр тараққиётида дил, тил, амал бирлиги кўринишида талқин этилган. Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепциясида бу қуйдагича намоён бўлади: «Билгилки, Комил инсон деб шарият ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарсга камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф». Бу шунчаки баланд парвоз вайроқлар эмас, балки инсоният тафаккур тараққиёти жараёнида ўта муҳим рол ўйнаган ижтимоий ҳодисадир. Айни фикрнинг ижтимоий ахлоқий феномени сифатида амал қилмай қўйганлиги Европада нигилизм, экзистенциализм каби тушкунлик фалсафаларини келтириб чиқарди. Ҳатто, буюк олмон файласуфи Ф.Ницшенинг “худо ўлди” концепцияси юзага келди. Ушбу муаммони ҳал қилишда Ницше бевосита зардушт таълимотига мурожат қилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Насафийнинг юқорида келтирилган ушбу мавзуга оид фикрини зардуштийликдаги эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал триадасининг мантиқий давоми сифатида келтириш мумкин.

Юксак маънавиятлиликнинг яна бир шарти сифатида бутун эътиқод тушунчаси қўйилади. Насафийга кўра эътиқодсиз комилликка эришиб бўлмайди. Буни у қуйдагича изоҳлайди: имон мақомидаги рух жисмни тарк этса, биринчи осмонга қайтади, тақводорлик мақомидаги жисмни тарк этган рух иккинчи осмонга қайтади. Бошқа мақомлар ҳам айни шундай. Ҳар бир рух ўзи (туғилишидан олдин) тарк этган мақом манзилига қайтади ва ҳеч бир рух жисмдан ажралганидан кейин ўз мақомини қўйиб бошқа юқорирок мақомга кўтарила олмайди. Бу - 9 даражанинг ҳолати. Аммо кимки жисмда

имон мақомини қозонмаган (яъни пайғамбарларни тан олмаган ва авлиёларга эргашмаган) бўлса, у аввалда (жисмга келишидан олдин) қайси даражада бўлмасин, осмонга қайтмайди. Зеро, бундай оламлар, гарчи сурати одамлардай эсада, бироқ хулқига кўра улар одам эмас, балки хайвон (жинлар) жумласидандир. Чунки, хайвонлар учун аслият оламига йўл йўқ, аслият олами эса гуноҳсиз, пок инсонлар, аҳли таҳорат, маърифатлилар ва фаришталар руҳининг манзилидир. Шунга кўра, тақвосиз, маърифатсиз одам руҳи юқори оламга муяссар бўлмайди¹.

Ушбу масаланинг яна бир замонавий ижтимоий амалий-амалий аҳамияти мавжуд. Имон эътиқоди мустаҳкам, ўз маслагига эга ҳамда диннинг соф маърифатидан баҳраманд киши ҳеч қачон дин ниқоби остидаги ёлғонларга тезда ишониб қолмайди. Зеро, Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепцияси эътиқод хусусидаги чуқур фалсафий ғоялар билан биргаликда ислом фалсафасининг 3 фундаментал асоси саналмиш шариат, фалсафа ва тасаввуф таълимотларининг қиёсий таҳлилига ҳам эга. Бу эса ёшларга динимизнинг туб моҳиятини англашда беқиёс кенг имкониятлар эшигини очади. Аниқроғи, дунёнинг яралиши, унда инсоннинг тутган ўрни, инсон амал қилиши лозим бўлган ижтимоий қонуниятлар (ахлоқ) бир сўз билан айтганда инсон ҳаётининг маъноси масаласи юқоридаги уч таълимотни қиёсий таҳлил қилиш орқали тушунтириб берилган.

Энди биз ўз миллий дунёқарашимизни қайта шакллантиришимиз керак. Лекин биз ҳозирча ўз миллий дунёқарашимиз расмана ва кенг қад кўтарди дея олмаймиз. Чунки бу нафақат ўз ўтмиш маънавий қадриятларимизни яхши эслаб олиш, уларнинг йўқотилган ёки бузилган жойларини қайта тиклаш, янги ҳаётга татбиқан қайта ишловдан ўтказиш каби мураккаб ва узоқ жараёни, ва нафақат XX аср Ғарб фалсафаси нима учун инқирозга учраганини ҳамда ушбу кризиснинг моҳиятини аниқлашни, балки маданият тарихида ҳикмат илми ҳисобланган фалсафий, диний, қолаверса, тасаввуфий дунёқарашлар мазмунини ҳам қайта таҳлил этишни ҳам тақозо

¹ Насафий Азизиддин. Зубдат ул-ҳақойиқ. – Тошкент: Камалак, 1995. – 8 б.

этнода. Бунинг учун эса Жалолиддин Румий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баховуддин Нақшбанд каби бобокалонларимизнинг ўзликни англаш ва комил инсон хусусидаги қарашлари чуқур тадбиқ ва ташвиқ қилинмоғи зарур. Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепцияси эса ўзининг синтетик мазмунига кўра янада муҳимроқ ўрин тутди.

Мазкур бобга хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали комил инсонларни вояга етказишга юксак эътибор берилмоқда.

Ватанимизда соғлом авлод ҳаракатининг кенг тус олгани, кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим-тарбия тизимининг тубдан ислоҳ этилаётгани ҳам ана шу улуғвор мақсадни амалга ошириш йўлидаги муҳим қадамлардир. Бу борадаги ишларда Азизиддин Насафий каби зотларнинг комил инсон тўғрисидаги назарий фундаментал қарашлари дастурул амал қилиб олинса янада мақсадга мувофиқ бўлур эди.

ХУЛОСА

Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Азизиддин Насафий номи билан машҳур бўлган зот дунёнинг донишмандларидан бири, беназир, бетакрор бир мутафаккир, валий инсондир. Уни гоҳ Платин, гоҳ Платон, гоҳ Фаробий, гоҳ Ибн Сино каби файласуфлар билан қиёслайдилар. Аммо Азизиддин Насафий ҳеч кимга ўхшамайди, у муаззам Шарқ тафаккурининг мўъжизали бир ҳайкалидирким, унда тасаввуф тараққиёти ҳам, илму ҳикмат ва фалсафа ҳам, маънавият ҳам бирлашиб, олий кўринишда намоён бўлади. “Зубдат-ул ҳақойиқ” асари Азизиддин Насафий ижодининг юксак намунасидир. Чунки унда олам, одам ҳамда олам ва одам мутаносиблиги олам ва одам яралиши эволютсияси қисқа лўнда ҳамда мантикий изчил тарзда содда ифода этилган. Унда олам ва одам айний ҳодисалар сифатида кўрсатилиб уларнинг фарқи ҳажмида эканлиги кўрсатилади. Унинг асардаги онтологик қарашларида олам икки хил мавжудликдан иборат деб қаралади. Мулк ва малакут яъни моддият ва руҳият оламига ажратади. Азизиддин Насафий қарашларида инсон энг улуғ буюк мавжудот сифатида улуғланади. У ҳар икки оламнинг мағзи ва қаймоғи аниқроғи унинг мақсади ҳар икки оламнинг мақсади сифатида кўрсатиб ўтилади. Энг муҳими шундаки асарда ўз даврининг ва ўзигача бўлган давр мутафаккирларининг борлиқ ва унинг эволютсияси инсон ва унинг руҳий борлиғи ҳамда руҳий борлиқ тадрижи ҳақидаги ғоялари синтезлаштирилиб пантеистик нуқтаи назардан талқин этилади. Бу умумлаштиришлар учта типик гуруҳларга ажратилади. Биринчиси; шариат аҳли фикрлари. Иккинчиси; файласуфлар фикрлари. Учинчиси; мутасавуфларнинг қарашлари қиёсий таҳлил қилинади. Бу қарашлар ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатлар аниқланиб, ютуқ ва камчиликлар очиб берилади. Ундан

ташқари шунчаки учала гуруҳ қарашларининг таҳлили келтирилмасдан борлиқ ва инсон мутоносиблиги ҳақида ўз хулосаларини ҳам беради. Бир сўз билан айтганда Азизиддин Насафийга кўра инсон борлиқнинг кичик нусхаси борлиқ эса инсоннинг ҳажман кенг нусхаси бўлиб бирининг барча хоссалари иккинчисида албатта тажалли этишини таъкидлаб ўтади. Азизиддин Насафий том маънодаги комил инсон концепциясининг асосчиси бўлиб унинг комил инсон ҳақидаги қарашлари мустақил Ўзбекистонимизнинг бош ғояларидан бўлмиш комил инсон ғоясини фундаментал асосини яратишда унинг қарашлари муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотда Азизиддин Насафий тасаввуфий-фалсафий меросини ўрганиш юзасидан иқтибоддаги вазифалар тўғрисида қуйидаги амалий тавсиялар илгари сурилади:

1. Келгусида тасаввуф таълимоти Ватанимизнинг маданий тараққиётини муҳим омили эканлигини назарда тутиб, давлат томонидан бу соҳани ўрганишга моддий маблағни кўпайтириш, хориж сармоядорларини, мамлакатимиз тадбиркорларини жалб этиш мақсадга мувофиқ деб биламиз.

2. Ҳозирги ғоявий тажовузлар кучайган бир пайтда, мавжуд иллатларга қарши ғоявий кураш воситаларидан бири бу тасаввуфий ғояларни, буюк мутасаввуфлар ҳаёти ва мероси, уларнинг эзгулик, адолат, ўзликни англаш ва ватанпарварлик тўғрисидаги дунёвий фикрларини ўрганиш мафкуравий иммунитет вазифасини ўтайди, деган фикрдамиз.

3. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузурида бутун Ўзбекистон ҳудудидаги азиз-авлиёлар қадамжоларининг харитасини тузиб, саёҳатлар ташкил этишни таклиф қиламиз.

4. Таълим тизими барча босқичларида «Тасаввуф ахлоқи», бакалавр ёъналишида «Тасаввуфий ғоялар» ва магистратура ёъналишида «Тасаввуф фалсафаси» номли махсус курслар жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. –Т.: Ўзбекистон.1996;
3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон. 1997;
4. Бўронов Қ. Тасаввуф фалсафаси хусусида. Т. Ёзувчи. 2000
5. Зоҳидов. А. Туркистонда ўрта-аср араб-мусулмон маданияти. Т. 1993
6. Имомназаров М. Эшмухаммедова М. Миллий маънавиятимиз асослари.Т. Тошкент ислом университети. 2001.
7. Искандаров Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрнинг шаклланиши. Т. 1993
8. Ислом. Энциклопедия. Т. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». 2004.
9. Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. Т. Ёзувчи. 1996
10. Мансуров А. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. Т.,Тошкент ислом университети. 2001
11. Муҳаммад Зоҳид ибн Иброҳим ал Бурсавий. Авроди Қуръоний. Т. 2005.
12. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сунний ақидалар. Т., Мовароуннаҳр. 2005
13. Мўминов И. Ўзбекистонда табиий –илмий ва ижтимоий – фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. Т. 1999
14. Обидов Р. Қуръон ва тафсир илмлари. Т., Тошкент ислом университети. 2003
15. Рахимов И. Фалсафа. Т., Университет. 1998
16. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т. Ўзбекистон.1997
17. Хайруллаев М. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Т. 1995
18. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Т. 1971
19. Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Т., Фан. 1994.
20. Хожибоев А.Сосиал борлиқни билиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Т. 1991
21. Хотамий С.М.. Ислом тафаккури тарихидан. Минхож. 2003 126 бет
22. Чориев А. Тасаввуф фалсафасида инсон қиёфаси. Қарши. 1997
23. Ҳакимжон. М. Тавҳид рисоласи. Т., Мовароуннаҳр. 2006. 6 бет
24. Ҳусниддинов З.Ислом-ёъналишлар, мазҳаблар, оқимлар. Уқув қўлланма. Т., Мовароуннаҳр. 2005. 31 бет
25. Умаров.М С.Боқиев. Нур ва тафаккур. Т.,Бизнес -принт 2005. 9 бет

26. Қаҳҳорова Ш. Б. Глобал маънавият - глобаллашувнинг ғоявий асоси Т., “Тафаккур” 2009
27. Азизиддин Насафий “Зубдат ул- ҳақойиқ”- Т. , Камалак 1996. Б-38
28. Н.Комилов “Тасаввуф фалсафаси”. Тошкент. Ўзбекистон. 1997.
29. Н.Комилов “Тасаввуф алломалари”. Тошкент. Ўзбекистон. 1996.
30. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик– Т.: «Янги аср авлоди». 2003.
31. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул - қулуб. Т., Адолат, 2002.
32. Комилов Н. «Комил инсон ҳақида тўрт рисола» Тошкент Ўзбекистон 1997.
33. А.Насафий “Зубдат-ул ҳақойиқ” Тошкент. Ўзбекистон. 1997.
34. Шеров А. Тасаввуф, Ғаззолий ва гўзаллик фалсафаси. Соғлом авлод учун. 2002. №2 (70).